

ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ОБ УТВЕРЖДЕНИИ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ,  
РЕГУЛИРУЮЩИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ГОСУДАРСТВЕННОГО КОМИТЕТА  
ВЕТЕРИНАРИИ И РАЗВИТИЯ ЖИВОТНОВОДСТВА РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН

г. Ташкент,

27 июня 2019 г.,

№ 532

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА  
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ  
ХУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 28 мартағи ПФ-5696-сон **Фармони** ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 28 мартағи ПҚ-4254-сон **қарори** ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласидан:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлиги тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ;

Ветеринария хизмати мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низом **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Самарқанд ветеринария медицинаси институти хузурида Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Марказ Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 77-уй манзилидаги биносига текин фойдаланиш ҳукуқи асосида жойлаштирилишини ҳамда унинг ўқув ва моддий-техника базасидан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

3. Куйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

пулли хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар;  
халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;  
юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;  
қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **5-иловага** мувофиқ айrim қарорларига ўзgartириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **6-иловага** мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 июнь,  
532-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги 532-сон қарорига  
**1-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги**

**НИЗОМ**  
**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Қўмита ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади.

3. Қўмита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси деб аталади) бўйсунади.

4. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг **Конституцияси** ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

5. Қўмита ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

6. Қўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари (кейинги ўринларда худудий бошқармалар деб аталади) ва туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари (кейинги ўринларда туман (шаҳар) бўлимлари деб аталади) ҳамда Қўмита таркибига кирадиган идоравий мансуб ташкилотлар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобваракларига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан, хорижий валютасидаги ҳисоб рақамларига ҳамда ветеринария рамзига эга бўлади.

8. Қўмитанинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, қисқартирилгани — Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи — State Committee of Veterinary and livestock development of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилгани — State Committee of Veterinary and livestock development;

в) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственный комитет ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан, қисқартирилгани — Госкомветеринарии и развития животноводства.

9. Кўмитанинг жойлашган жойи (пошли манзили): 100123, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21а-үй.

## **2-боб. Кўмитанинг тузилмаси**

10. Кўмита тизимиға қўйидагилар киради:

Кўмитанинг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари;

Кўмита ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) марказий аппарати, унинг худудий марказлари ҳамда «O'znaSlchilik» давлат корхонаси ва «Ўззооветтаъминотхизмат» давлат унитар корхонаси;

Республика ҳайвонлар касаллклари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳайвонлар касаллклари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари ва унинг туманлар (шаҳарлар) ҳайвонлар касаллклари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари;

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси;

Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий маркази;

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва унинг филиаллари ҳамда академик лицей;

Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институти;

Ветеринария участкалари, бозорлар ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари, чегара ва транспортдаги ветеринария пунктлари (участкалари).

11. Қўмита ва унинг тизимиға кирувчи ташкилот ва муассасаларнинг тасдиқланган тузилмаларида белгиланган бошқарув ходимлари ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ва муассасаларининг ходимлари ҳисобланади.

### **3-боб. Қўмитанинг асосий вазифалари ва функциялари**

#### **1-ғ. Қўмитанинг вазифалари ва функциялари**

12. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, норматив-хуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ушбу соҳада давлат, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ветеринария фаолиятини лицензиялашни амалга ошириш;

ветеринария соҳаси ва чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, қоракўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчиликни ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мамлакат ҳудудларини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, амалиётга ҳайвонларни даволашнинг ва профилактикасининг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбик этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

эпизоотик осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактика ишларининг самараадорлигини мониторинг қилиш;

чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмларини амалга ошириш, чорвачилик хўжаликларига озуқа этиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштиришни ташкил этиш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишни мониторинг қилиш;

чорвачилик тармоқларида ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва саклаш ишларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштириш;

ветеринария ва наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ва муомаласи юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

ветеринария ва наслчилик-селекция соҳаларида илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий тадқиқотлар

йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновация ишланмалари натижаларини ветеринария ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этилишини мувофиқлаштириш;

чорвачилик маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, ветеринария ва чорвачилик соҳаларига хорижий инвестициялар ва грант маблағларини жалб қилиш;

соҳа кадрларини тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, раҳбар ҳамда мутахассисларнинг иш услуби ва шаклларини такомиллаштириш.

13. Қўмита ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, норматив-хуқукий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ушбу соҳада давлат, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ветеринария фаолиятини лицензиялашни амалга ошириш соҳасида:

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳаларини янада ривожлантириш, шу жумладан эпизоотик барқарорликни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олиш, ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишида давлат назоратини таъминлаш, ветеринария соҳасидаги хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ҳамда муомаласи юзасидан назоратни ташкил этиш ва юритиш, чорвачиликда сунъий уруғлантириш, наслчилик-селекция ишларини ташкил этиш ва ривожлантириш, чорвачилик хўжаликларида озуқа этиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштириш устидан давлат назоратини таъминлаш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишини мониторинг қилиш, чорвачилик тармоқларида ҳайвонларни идентификация қилиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштириш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширади;

Қўмита тизимига кирувчи ташкилотларда ҳисоб ва ҳисобот юритилишини ҳамда мол-мулк сақланишини, ҳисобга олинишини ва ҳисобдан чиқарилишини таъминлаш, етказилган моддий зарарни ундириш чораларини кўради;

Кўмита тизимига кирувчи ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботларини, балансларини кўриб чиқади, умумлаштиради, йиғма баланслар тузади ва уларни тегишли органларга тақдим этади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасини тартибга солиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади;

ҳудудий бошқармалар тўғрисидаги низомларни, шунингдек, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ҳамда муассасаларининг низом (устав)ларини ишлаб чиқади ва тасдиqlайди;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида хорижий давлатлар билан халқаро ҳамкорликни амалга оширишда иштирок этади ҳамда халқаро ҳамкорликни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалайди;

ветеринария ва наслчилик-селекция соҳасида хорижий давлатлар тажрибаларини таҳлил қиласи ҳамда уларнинг қонунчилик соҳасидаги ютуқларидан фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

хорижий давлатларнинг ветеринария хизматлари билан ветеринария соҳасида ахборотлар алмашинувини амалга оширади ва ветеринария сертификатлари намуналарини белгиланган тартибда келишади;

халқаро ва хорижий давлатларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари томонидан ветеринария ва наслчилик-селекция соҳасига оид тадбирларнинг белгиланган тартибда ўтказилишини ташкил этади;

ветеринария соҳасига оид халқаро шартномаларни ишлаб чиқишида ва уларнинг ижросини таъминлашда иштирок этади;

ветеринария ва наслчилик-селекция соҳасига оид халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

ўзига бўйсунувчи тузилмалари орқали ветеринария ва чорвачилик соҳасида бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи ва қўшма тадбирларни амалга оширади;

ветеринария фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;

маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказади ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини беради;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатнома, ветеринария гувоҳномаси ва ветеринария сертификатини беради;

ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ҳамда ушбу соҳадаги маҳсулот ва хом ашёларни қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш ва реализация қилиш билан шуғулланувчилар фаолиятининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги юзасидан ветеринария-санитария хulosаларини беради;

бозорларда, савдо ташкилотларида ва бошқа савдо обьектларида ушбу соҳадаги маҳсулот ва хом ашёни, шунингдек бозорларда реализация қилинадиган ўсимлик, озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ҳамда реализация қилишга ветеринария-санитария экспертизаси хulosасини беради;

фуқаролар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиниши, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқилишини тъминлайди;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ҳамда муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Қўмита тизими фаолиятига оид газета ва журналлар чиқарилишини, тегишли рухсатномалар бланкалари, соҳага тегишли китоб, бюллетең ва қўлланмалар чоп этилишини ҳамда бутунжаҳон Интернет тармоғида веб-сайт юритилишини ташкил этади;

б) ветеринария соҳаси ва чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, қоракўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчиликни ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

республика ҳудудида пайдо бўлиш хавфи бўлган ҳайвонлар касалликларини таҳлил қилиш, уларни олдини олиш ва тугатишга доир дастурларни ишлаб чиқади;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ҳамда муассасаларининг келгусида режалаштириладиган ишларини прогнозлаштириш, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда соҳани ривожлантиришнинг давлат ва маҳаллий дастурларини ишлаб чиқади ҳамда уларни амалга оширади;

чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан қорамолчилик, қўйчилик, қоракўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчиликни ривожлантириш чораларини кўради;

наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштиради ҳамда чорвачиликнинг барча тармоқлари ва наслчилик-селекция ишлари бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

«Қоракўлчиллик» Республика уюшмаси, «Паррандасаноат» уюшмаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмаси билан ҳамкорликда ишларни ташкил этилишини таъминлайди;

в) мамлакат ҳудудларини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, амалиётга ҳайвонларни даволашнинг ва профилактикасининг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида:

ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш, ҳайвонлардан олинадиган маҳсулот ва хом ашё хавфсизлигини таъминлашда идоравий ҳамда ишлаб чиқариш ветеринария хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ҳайвонлар касалликларига ташхис қўйиш, уларни даволаш ва олдини олиш тадбирлари бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорларнинг ветеринария соҳасига оид фаолияти юзасидан белгиланган тартибда текширувлар ўтказади;

ихтисослашган сўйиш корхоналари ҳамда ҳайвонларнинг эгалари томонидан, шунингдек, ушбу соҳадаги маҳсулот ва хом ашёни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда уларнинг савдоси билан шуғулланувчилар томонидан ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижро этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасига оид фаолият юзасидан белгиланган тартибда бошқа назорат ишларини амалга оширади;

мамлакатимиз ҳудудига ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, ҳайвонларни даволашнинг ва профилактикасининг замонавий усулларини амалиётга жорий этади, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаради;

чегара олди туманларда ва чегарадош давлатларда юзага келган эпизоотик вазият тўғрисида тегишли органлар ва ташкилотларни хабардор қиласи, тегишли ветеринария тадбирларини амалга оширишда зарур тавсиялар беради;

ҳайвонлар касалликларига ташхис қўйиш ишларида энг замонавий ва тезкор усулларни жорий этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқариш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишида ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

г) эпизоотик осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактика ишларининг самарадорлигини мониторинг қилиш соҳасида:

маҳсулот ва хом ашёларни ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига асосан экспертизадан ўтказиш тартибларини белгилайди ва экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

ҳайвонлар ўта хавфли юқумли касалликларга чалинганлиги хусусида шубҳа мавжуд бўлган тақдирда, зарур чора-тадбирларнинг бажарилишини ўрганади ва мувофиқлаштиради;

белгиланган тартибда ветеринарияга оид статистика ҳисботини юритилиши ва тақдим этилишини талаб қиласи;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда эпизоотияга қарши тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди;

ички ишлар органларининг карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмалари билан биргаликда эпизоотик осойишталикни таъминлашга доир тадбирларни ташкил этади;

касалликларнинг келиб чиқиши ва ҳайвонларнинг нобуд бўлиши сабабларини таҳлил қиласи, уларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

ҳайвонлар юқумли касалликларининг олдини олиш ва уларни тугатишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ва илм-фан ютуқларини ўрганади, маълумотларни умумлаштиради ҳамда давлат ветеринария хизмати тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

белгиланган тартибда ветеринария дори воситалари ва бошқа моддий-техника ресурсларининг захирасини яратади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари бўйича профилактика, ташхис қўйиш ва тугатиш тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган ветеринария дори воситаларини ҳамда моддий-техника воситаларини белгиланган тартибда харид қиласи ва марказлаштирилган ҳолда тақсимлайди;

эпизоотик ҳолат юзасидан мониторинг олиб боради;

д) чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг ягона механизмларини амалга ошириш, чорвачилик хўжаликларига озуқа етиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштиришни ташкил этиш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишни мониторинг қилиш соҳасида:

чорвачилик хўжаликларига озуқа етиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштирилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

чорвачилик хўжаликлидаги шартли мол бош сонига нисбатан ер майдонларини ажратилиши ва улардан самарали фойдаланиш мониторингини амалга оширади;

пахта ва ғалла экин майдонларига алмашлаб экиладиган чорва озуқаси учун экинларнинг тўлиқ экилиши ҳамда етиштириладиган ҳосилнинг чорвачилик хўжаликлири ва аҳолига тизимли етказилишини мониторинг қиласди;

е) чорвачилик тармоқларида ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш ишларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштириш соҳасида:

чорвачиликда сунъий уруғлантириш, наслчилик-селекция ишларини ташкил этади ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштиради;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича жойлаштириш режаларининг бажарилишини ўрганади;

фермер ва дехқон хўжаликлари учун чорва наслчилиги хизмати кўрсатишни ташкил этади;

ҳайвонларни идентификация қилиш ишларини мувофиқлаштиради;

аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва молларини суғурталашда воситачилик (агентлик) вазифаларини бажаради.

ж) ветеринария ва наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ва муомаласи юзасидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:

ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишида давлат назоратини амалга оширади;

республика ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликларини қўзғатувчилари олиб кирилишидан муҳофаза қилиш, шунингдек, ҳайвонлар, ушбу соҳага мансуб маҳсулот ва хом ашё, ветеринария дори воситалари, озуқалар ва озуқабоп қўшимчаларни тайёрлаш, олиб ўтиш (ташиш), экспорт ва импорт қилиш бўйича давлат ветеринария назоратини амалга оширади;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши, Ўзбекистон Республикасидан

олиб чиқилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзити учун расмийлаштириладиган ветеринария хужжатлари берилишини назорат қиласи;

маҳсулотлар ва ҳом ашёларни ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши бўйича давлат ветеринария назоратини олиб боради;

хусусий ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда лицензия беради, шунингдек лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан давлат ветеринария назоратини амалга оширади;

давлат ва идоравий ветеринария хизматлари, ички ишлар органларининг карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмаларининг ветеринария соҳасига оид фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштиради ва назорат қиласи;

ветеринария соҳасидаги ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини сифатли ва тизимли равишда ташкил этиш бўйича тегишли давлат бошқарув органлари билан чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслардан эпизоотияга қарши тадбирлар, даволаш, ветеринария-санитария тадбирларининг бажарилишини талаб қиласи;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ҳамда муассасалари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар шаклларини тасдиқлайди ва унинг муддатларини белгилайди;

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, уларнинг ветеринария экспертизаси ва синови натижаларига кўра давлат рўйхатидан ўтказади ҳамда уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаларини беради;

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши ва тайёрланишини ўрганади ва назорат қиласи;

ветеринария дори воситаларини ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ҳамда муомаласи юзасидан назоратни амалга оширади;

3) ветеринария ва наслчилик-селекция соҳаларида илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновация ишланмалари натижаларини ветеринария ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этилишини мувофиқлаштириш соҳасида:

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик-селекция соҳаларида илмий, услугий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш чораларини кўради;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик-селекция соҳаларида илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилайди;

фундаментал, илмий-амалий танловлар ва инновацион илмий тадқиқотларда қатнашиш учун тақдим этилган илмий лойиҳаларнинг экспертизасида иштирок этади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик-селекция соҳаларида давлат грантлари асосида ва ҳалқаро ҳамкорлик доирасида ўтказиладиган илмий тадқиқотларнинг амалга оширилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

ҳайвонлар касалликларига ташхис қўйиш, даволаш ва профилактикаси ҳамда наслчилик-селекция ишларининг энг замонавий, самарали усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказади, шунингдек уларни амалиётга жорий этишни ташкиллаштиради;

ilm-fan, таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар шу жумладан, ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали ветеринария хизмати фаолиятига илфор технологиялар ва иш услубларини жорий этади, ветеринария, чорвачилик ва наслчилик-селекция масалалари бўйича илмий анжуман ва конференцияларни ташкиллаштириш ва ўтказишида иштирок этади;

ҳайвонлар касалликларига ташхис қўйиш, озуқаларнинг, шунингдек чорвачилик объектларида ичимлик сувининг сифатини баҳолаш мақсадида лаборатория текширувлари ўтказиш тартибини белгилайди;

одамлар ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишда бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қиласида;

хорижий ва чегарадош давлатлардаги ҳамда республика худудидаги эпизоотик ҳолатдан келиб чиқиб, эпизоотияга қарши профилактика тадбирларини белгилайди ва амалга оширади;

чорвачилик фермер хўжаликлари ва уларнинг маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишнинг ҳалқаро тан олинган тизимини жорий этишда бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қиласида.

и) чорвачилик маҳсулотларини ҳалқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, ветеринария ва чорвачилик соҳаларига хорижий инвестициялар ва грант маблағларини жалб қилиш соҳасида:

соҳага тааллуқли норматив ҳужжатларни ва стандартларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва халқаро стандартларга уйғунлаштиради;

ветеринарияда сертификациялашнинг талабларини ишлаб чиқади;

стандартларни амалиётта жорий этиш ва унга амал қилинишини назорат қиласи;

соҳага таалуқли норматив ҳужжатлар ва стандартларнинг ягона реестрини шакллантиради ва юритади;

синов лабораторияларини ўтказишида тегишли органлар билан ҳамкорлик қиласи;

аккредитацияланган синов лабораторияларининг реестрини шакллантиради ва юритади;

наслчилик заводи, наслчилик хўжалиги ва наслчилик фермаларини давлат аттестациясидан ўтказади;

селекция ютуғи экспертизаси ва синовини белгиланган тартибда ўтказади;

наслчилик маҳсулоти (материаллари)га белгиланган тартибда сертификатлар беради;

наслчилик заводи, хўжалиги ва фермаларида замонавий усуллар билан чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш, наслдорлик сифатларини такомиллаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисбот ишларини юритиш, чорва молларни белгилар мажмуи бўйича баҳолашни (бонитировка) амалга оширади;

манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда наслчилик ишларида фойдаланиладиган технология асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришида ва импорт бўйича сотиб олишда, янги технологик асбоб-ускуналар ва маҳсус транспортлар яратилишида иштирок этади;

давлат, идоравий ва хусусий секторларда наслчилик ишлари мутахассислари фаолиятини назорат қиласи ва мувофиқлаштиради;

к) соҳа кадрларини тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, раҳбар ҳамда мутахассисларнинг иш услуби ва шаклларини такомиллаштириш соҳасида:

замонавий талаблар ҳамда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократлаштириш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда, ветеринария соҳасида кадрлар малакасини оширишни ташкил этади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим йўналишларини аккредитация қилишида, уларнинг педагог ва илмий ходимларини аттестациядан ўтказишида иштирок этади;

кадрлар ишини юритиш, ветеринария, чорвачилик ва наслчилик мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ҳамда муассасаларининг раҳбарлик лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиради ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ҳамда муассасаларининг раҳбарлари ва мутахассисларининг касбий тайёргарлиги ва малакаси бўйича эгаллаб турган лавозимига муносиблиги юзасидан уларни аттестациядан ўтказади;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ҳамда муассасаларининг бошликлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига номзод кадрлар номенклатурасини юритади;

кадрлар салоҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида минтақавий хусусиятларни ва иқтисодиётнинг реал сектори аниқ эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасига олий таълим муассасалари бўйича ҳар йилги қабул квоталарига таклифлар киритади;

кадрларнинг хорижий илмий ва таълим муассасаларида ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасидаги малакасини оширишни белгиланган тартибда ташкиллаштиради;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ҳамда муассасаларидаги раҳбар ва мутахассисларининг иш услуби ва шаклларини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширади.

Қўмита қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14. Қўмита ўзига юклangan вазифа ва функцияларни бевосита, шунингдек, Қўмита ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар орқали амалга оширади.

## **2-§. Қўмита марказий аппаратининг вазифалар ва функциялари**

15. Қуйидагилар Қўмита марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш;

Қўмита ҳамда ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлар, мақсадли индикаторлар, сифатга эришиш ва ривожлантириш дастурларини самарали амалга оширишни таъминлаш;

Қўмита фаолияти соҳасига тегишли масалаларда вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсатининг йиғилишларида масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш;

Кўмита ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

Кўмитанинг марказий аппарати ва унинг ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини танқидий таҳлил қилиш, таҳлил натижаларига кўра зарур чора-тадбирларни кўриш;

Кўмитанинг марказий аппарати ва унинг ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар фаолиятига замонавий иш услубларини жорий этиш;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва эркинлигини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни самарали таъминлаш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилишни, Кўмита раҳбарияти ва ходимларининг улар фаолиятида фаол иштирок этишини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасини ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар, ушбу соҳадаги дастурий-услубий ва бошқа тартибга солувчи ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида халқаро ва давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш бўйича халқаро хорижий тадбирларда Кўмитанинг вакилларининг иштирокини таъминлаш;

Кўмита ҳайъати қарорлари, Кўмита раисининг қарорлари, буйруклари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг касб маҳорати, чуқур билимга эгалиги, тажрибаси, ишчанлик ва одоб-аҳлоқ ҳамда маънавиятининг юқори даражаси кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, назоратдаги таркибий бўлинмаларда кадрлар заҳирасини шакллантириш;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва илмий-техник тараққиётда эришилган натижаларни ўрганишни ташкил этиш, ушбу соҳани ривожлантиришда мазкур тажрибани жорий этиш;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида халқаро семинарлар, анжуманлар, кўргазмалар ўтказилишини ташкил этиш ҳамда бошқа ташкилотлар ўтказадиган шу каби тадбирларда иштирок этишни таъминлаш.

16. Кўмита марказий аппарати унга юклатилган вазифаларни бажариш қўйидаги функцияларни амалга оширади:

Кўмита ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан соҳага оид Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши устидан тизимли назоратни таъминлайди;

Кўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган хужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ва уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига белгиланган тартибда раҳбарлик қиласи, мувофиқлаштиради ва назоратни амалга оширади;

Кўмита фаолияти, шу жумладан, норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади;

Кўмитанинг ваколатига тегишли ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалаларини ҳал этади.

### **3-§. Худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларининг вазифалари ва функциялари**

17. Кўйидагилар худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларининг вазифалари ҳисобланади:

Кўмитага юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлайди;

худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасидаги ва улар ваколатига кирадиган бошқа масалаларга доир қонун хужжатларига, норматив хужжатларга риоя этиш юзасидан мониторинг ва назорат олиб бориш;

туман (шаҳар) бўлимлар ва идора бўйсунувидаги ташкилотларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

туман (шаҳар) бўлимлар ва идора бўйсунувидаги ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда таҳлил қилиш;

қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18. Ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни бажаради:

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди ҳамда унга раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг ҳамда Кўмита қарорлари ва буйруқларининг туман (шаҳар) бўлимлар, идоравий мансуб ташкилотлар томонидан бажарилишини тизимли назорат қилади;

туман (шаҳар) бўлимлар ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқукий экспертизаси ўтказилишини ташкил этади;

туман (шаҳар) бўлимлар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилади, уларни мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида хизматлар қўрсатиш юзасидан фаолият олиб борувчи субъектлар билан ҳамкорлик қилади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ҳудудий дастурларни бажарилиши мониторингини олиб бориш, юридик ва жисмоний шахсларга давлат хизматларини қўрсатиш бўйича туман (шаҳар) бўлимлар ва идоравий мансуб ташкилотлар хатти-харакатларини мувофиқлаштиради;

туман (шаҳар) бўлимлар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техник таъминотини ташкил этади;

туман (шаҳар) бўлимлар ва идоравий мансуб ташкилотлар бинолари ва иншоотларидан жорий фойдаланиш бўйича ишлар мониторингини ўтказади ва мувофиқлаштиради;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишларни ташкил этади;

оператив, ташкилий, кадрлар, молиявий, ишлаб чиқариш ва ўз ваколатига кирадиган бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширади.

#### **4-§. Туман (шаҳар) бўлимларининг вазифалари ва функциялари**

19. Қуидагилар туман (шаҳар) бўлимларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Кўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасидаги ва ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларга доир ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

қонун хужжатлариға, норматив хужжатларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ва назорат олиб бориш;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасини янада ривожлантиришда молиялаштириш бўйича таклифларни шакллантириш;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларни қўллаб-куватлаш;

қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

20. Туман (шаҳар) бўлимлар ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни бажаради:

туман (шаҳар) бўлимлар фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди ҳамда уларга раҳбарлик қиласди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ҳамда Кўмита қарорлари ва буйруқлари бажарилишини назорат қиласди;

туман (шаҳар) бўлимлар томонидан хужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизаси ўтказилишини ташкил этади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳаси билан боғлиқ масалалар юзасидан юридик ва жисмоний шахсларга маслаҳат беради ва уларнинг фаолиятига кўмаклашади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳаси бўйича хизмат кўрсатишида юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасини ривожлантириш истиқболларини баҳолайди, унинг мониторингини ташкил этади ва ўтказади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасини ривожлантириш дастурларига киритилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ахборот, шунингдек давлат статистика органларининг маълумотлар асосида мазкур дастурлар бажарилиши мониторингини олиб боради;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасини ривожлантириш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кўриб чиқиши учун киритади;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларга риоя этилишини назорат қиласди;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида хизматлар қўрсатиш бўйича фаолият олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорлик қиласди;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишларни ташкил этади;

оператив, ташкилий, кадрлар, молиявий, ишлаб чиқариш хўжалик туман (шаҳар) бўлимларининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласди;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширади.

#### **4-боб. Қўмита, унинг Ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг хуқуқлари ва жавобгарлиги**

##### **1-§. Қўмитанинг хуқуқлари ва жавобгарлиги**

21. Қўмита ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қўйидаги хуқуқларга эга:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа ташкилотлардан ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасига оид масалалар бўйича маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олиш;

юридик ва жисмоний шахслардан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалишининг олдини олишни ҳамда уларнинг тутатилишини таъминловчи чора-тадбирлар ўtkазилишини, шунингдек эпизоотик ҳолатни аниқлаш учун зарур бўлган маълумот тақдим этилишини талаб қилиш;

ҳайвонларнинг ва одамларнинг соғлиғи учун хавф туғдирадиган ҳайвонлар касаллиги аниқланган тақдирда, ҳайвонларни сўйишига ёки йўқ қилиб ташлашга, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни заарсизлантиришга (юқумсизлантиришга), қайта ишлашга ёки утилизация қилишига тааллукли, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган талабларни белгилаш;

республика ҳудудида биологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида ветеринария дори воситаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш шароитларини ўрганиш бўйича Қўмита хузурида марказий режим комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш;

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ва уларнинг синов натижаларини ҳамда ветеринария соҳасига оид тайёрланадиган қўлланмалар, тавсияномалар ва йўриқномаларни ўрганиш,

шунингдек ишлаб чиқилган ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини кўриб чиқиш бўйича Кўмита хузурида илмий-техник кенгаш ишини ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш;

фавқулодда ҳолатлар вужудга келганда эпизоотияга қарши зарур чоралар белгилаш ва ветеринария, ветеринария-санитария тадбирларини ўтказиш мақсадида илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ветеринария йўналишидаги олимлари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ва муассасаларининг мутахассисларидан иборат махсус ишчи гурухлар ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш;

халқаро ташкилотлар, молия институтлар ва хорижий давлатларнинг кредит ва грант маблағлари ҳисобига ветеринария ва чорвачилик соҳаларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва амалга ошириш гурухларини ташкил этиш ҳамда ишларини мувофиқлаштириш;

юридик ва жисмоний шахсларга пуллик ветеринария, наслчилик-селекция ва бошқа хизматлар кўрсатиш тартиби, хизмат турлари ва тарифларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

ҳайъат мажлисларида ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ҳамда муассасалари раҳбарларининг Кўмита ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ҳисботларини эшлиши;

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасига оид хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш, шунингдек, ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

белгиланган тартибда марказий аппарат ва унинг тизимиға кирувчи ташкилотларнинг даромадлар ва харажатлар сметаси, штат жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш;

Кўмита ходимларини иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва шахсий устамалар ҳамда меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа рафбатлантиришлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Кўмита тизими фаолиятига оид ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

Кўмита қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Кўмита:

Кўмитага юкланган вазифа ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек, ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш;

Кўмита фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларига эришилишини сўзсиз таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилаётган норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек, Кўмита томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

соҳа (тармоқ)ни ривожлантириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш, шунингдек, ветеринария ва чорвачилик соҳасида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва муаммоларнинг ечилиши;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хукуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун масъулдир.

## **2-§. Кўмита марказий аппаратининг хукуқлари ва жавобгарлиги**

23. Кўмитанинг марказий аппарати ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хукуқларга эга:

ҳудудий бошқармалар ва унинг идоравий мансуб ташкилотларидан Кўмитанинг марказий аппаратида кўриб чиқиладиган, тахлил қилиш ва ишлаш учун зарур бўлган материаллар ҳамда маълумотларни, шунингдек, норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

Кўмитада кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-хукуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарур бўлганда ҳудудий бошқармалар ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакилларини жалб қилиш, ушбу мақсадлар учун эксперт ва ишчи гурухларни ташкил этиш;

ҳудудий бошқармалар ва унинг идоравий мансуб ташкилотларидан улар киритган норматив-хукуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини қайта ишлаб чиқишини талаб қилиш, зарур бўлганда уларни қайта кўриб чиқиш учун қайтариш;

ҳудудий бошқармалар ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштироқида йиғилишлар ўтказиш;

тезкор ҳал этилиши лозим бўлган ва Кўмитага юкланган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳудудий бошқармалар ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларига белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

худудий бошқармалар ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг қабул қилинган қонун хужжатлари ва бошқа норматив — ҳуқуқий хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, Кўмита ва унинг раҳбариятининг хужжатлари ва топшириқлари бажарилишига оид фаолиятини ўрганиш ва белгиланган тартибда текшириш;

Кўмита марказий аппарати хузурида соҳага оид муаммолар бўйича жамоатчилик, консультатив, илмий-техник ва бошқа кенгашлар, идоралараро эксперт комиссиялар ташкил этиш, маҳсус кенгашлар чақириш, шунингдек ветеринария ва чорвачиликни ривожлантиришнинг узоқ муддатли дастурларини, худудий комплекс схемаларини, қонун хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш учун илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ташкилотлари, олий таълим муассасалари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда жалб этиш;

ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағларини белгиланган тартибда шакллантириш ва улардан фойдаланиш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги масалалар мавзусида ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

худудий бошқармалар ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг қабул қилинган қонун хужжатлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, Кўмита ва унинг раҳбариятининг хужжатлари ва топшириқлари бажарилишига оид фаолиятини ўрганиш ва белгиланган тартибда текшириш;

ветеринария ва чорвачилик соҳасида тегишли минтақавий, хорижий ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Кўмита марказий аппарати қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 24. Кўмита марказий аппарати:

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда Кўмитага юклangan вазифа ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Кўмита марказий аппарати бўлинмаларининг Кўмита фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларига эришишни таъминлашга доир ишини ташкил этиш;

Кўмита томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-хуқуқий хужжатлар

лойихалари ва бошқа хужжатларни, шунингдек, Қўмита қабул қиласидан қарорларни сифатли тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш;

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва соҳани, шунингдек, тегишли тармоқда худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича бошқа дастурий хужжатлар амалга оширилишини ташкил этиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хукуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун масъулдир.

### **3-§. Ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг хукуклари ва жавобгарлиги**

25. Ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ўзларига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуидаги хукуқларга эга:

ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколатлари доирасидаги масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

соҳага оид қонун хужжатларида кўрсатилган қонун талаблари бузилишларини бартараф этиш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатмалар бериш;

ўз ваколати доирасида белгиланган тартибда маъмурий хукуқбузарликлар бўйича ишларни қўриб чиқиш, мансабдор шахслар ва фуқароларга жарималар солиш.

26. Ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар:

туман (шаҳар) бўлимлар билан биргаликда уларга юкланган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришилишини таъминлаш;

Қўмитага киритилаётган хужжатлар лойихалари ва таклифлар, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

туманлар (шаҳарлар)да аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чукур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида соҳани ривожлантириш, юзага келадиган муаммоларнинг ечилиши бўйича

дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари»ни самарали амалга ошириш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун масъулдир.

#### **4-§. Туман (шаҳар) бўлимларининг ҳукуқлари ва мажбуриятлари**

27. Туман (шаҳар) бўлимлар ўзларига юклangan вазифа ва функцияларни бажариш учун қуидаги ҳукуқларга эга:

ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича ҳудудий бошқармаларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

соҳага оид қонун хужжатларида кўрсатилган қонун талаблари бузилишларини бартараф этиш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатмалар бериш;

ўз ваколати доирасида белгиланган тартибда маъмурий ҳукуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш, мансабдор шахслар ва фуқароларга жарималар солиш.

28. Туман (шаҳар) бўлимлар:

ўзларига юклangan вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ҳудудий бошқармаларга киритилаётган хужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, туман (шаҳар)даги бўлинмалар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

аҳолини, айниқса ёшларни, тадбиркорлик субъектларини ташвишга solaётган долзарб муаммоларни, шунингдек, тегишли ҳудудда чорвачиликни ривожлантириш ва эпизоотик осойишталикини таъминлашга тўсқинлик қиласиган тизимли камчиликларни аниқлаш, туман (шаҳар)ни ривожлантириш дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

туман (шаҳар)ларда соҳани ривожлантириш, юзага келадиган муаммоларнинг ечилиши бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари»ни самарали амалга ошириш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун масъулдир.

#### **5-боб. Қўмита раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

29. Қўйидагилар Кўмита раисининг асосий функционал вазифалари хисобланади:

Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

Кўмита фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли хужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун хужжатлари билан Кўмитага юкланган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Кўмитанинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар бажарилишининг танқидий ва чукур таҳлилини олиб бориш;

Кўмита, шунингдек, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан Кўмита фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларнинг кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Кўмитанинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг Кўмита фаолиятининг алоҳида қисмларига раҳбарлик қилиши учун уларнинг шахсий масъулияти даражаларини белгилаш;

Кўмита фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Кўмита ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ҳамда мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Кўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар

Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Кўмита ходимларини тизимли қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

Кўмита тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Кўмитанинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Кўмитага ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг касбий маҳорати, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юқори даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

фаолият соҳаси масалалари бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, улар «Норматив-хукуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон **Фармони** билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартағи 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **Регламенти** талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти хузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

«Норматив-хукуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаси фаолиятининг Намунавий **регламентига** мувофиқ Кўмитанинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

Кўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқлар, кўрсатмалар чиқариш ва норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур бўлганда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

Кўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта хуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон **Фармони** билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартағи 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

Кўмита раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида**» 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва «**Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларига хизмат сафарлари самараси учун шахсий масъулиятларини янада ошириш ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикаси ташрифларини ташкил этиш чоралари тўғрисида**» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равища амалга ошириш ва ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўз ўринбосарлари, худудий бошқармалар ва унинг идоравий мансуб ташкилот раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равища танқидий таҳлил қилиш, Кўмитанинг Ҳайъат мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшлиши, якуний натижалар бўйича зарур чоралар қўриш;

Кўмита ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Кўмита ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ

намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Қўмита ходимларининг одоб-  
ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлашни назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги [Қонуни](#) талабларига мувофиқ, Қўмита тизимида коррупция ва бошқа қонун бузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниqlаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

Қўмита ва унинг худудий бошқармалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

ахоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан, «ягона дарча» принципини жорий этиш орқали давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Қонунини](#) амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Қонуни](#), Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий [низомга](#) мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Қўмита ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси судларида, шунингдек, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакат вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Қўмита номидан иштирок этиш;

Кўмитанинг Ҳайъат мажлислирида раислик қилиш;

зарурият бўлганда, Кўмитанинг, шунингдек худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ташкилий тузилмаларига белгиланган миқдор доирасида ўзгартиришлар киритиш;

штат бирликларининг белгиланган сони асосида Кўмита марказий аппаратининг, шунингдек худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар тузилмасини, штатлар жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Кўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисида низомларни, шунингдек, худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари низомларини ҳамда уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Кўмита марказий аппарати ходимлари, худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

Кўмита, худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларининг мансабдор шахслари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар қабул қилиш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрларни тайёрлаш, ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бўйича чоралар кўриш;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги ходимларни ва мутахассисларни уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун белгиланган тартибда таклифлар киритишни таъминлаш ва тавсиялар бериш;

бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш ва Кўмита тизимининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни кўриш.

30. Кўмита раисининг Бош давлат ветеринария инспектори сифатидаги асосий функционал вазифалари:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, юридик ва жисмоний шахсларга зарур ветеринария, ветеринария-санитария тадбирлари ва эпизоотияга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ҳайвонларнинг ва одамларнинг соғлиғи учун хавф түғдирадиган касалликларга чалинган ҳайвонлар аниқланган ҳолларда, ушбу ҳайвонларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида, шунингдек истеъмолга яроқсиз деб

топилган, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни йўқ қилиб ташлаш, қайта ишлаш ёки ушбу маҳсулот ва хом ашёдан ўзгача тарзда фойдаланиш ҳақида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги обьектларга монеликсиз кириш ва ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

темир йўл вагонларининг, кемаларнинг, самолётларнинг ва бошқа транспорт воситаларининг ҳолати ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда улардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда чорвачилик обьектларидан, гўшт ва сут саноати корхоналаридан, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда чорвачилик фермаларида, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналарда янги қурилган, тикланган ва реконструкция қилинган обьектларни ишга туширишни тўхтатиб туриш;

ҳайвонларнинг эгалари томонидан, шунингдек келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишлаш, сақлаш ҳамда уларнинг савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

чегараолди туманларда, қўшни давлатларда юзага келган эпизоотик вазият тўғрисида тегишли органлар ва ташкилотларни хабардор қилиш, тегишли ветеринария тадбирларини амалга ошириш ҳамда зарур тавсиялар бериш;

ветеринария дори воситалари, озукабоп қўшимчалар ишлаб чиқарилишини ҳамда улардан чорвачиликда ва ветеринарияда фойдаланилишини назорат қилиш, уларнинг ҳайвонлар соғлиғига ва келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ҳамда хом ашё сифатига таъсирини баҳолаш;

ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари аниқланган тақдирда тегишли худудларни нобоп пунктлар деб эълон қилиш ва уларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиш тўғрисида, шунингдек ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари тутатилганидан кейин чекловчи тадбирларни

(карантинни) бекор қилиш ҳақида тегишли давлат органларига тақдимнома киритиш;

ветеринария тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини бузганлик учун мансабдор шахсларга ва бошқа шахсларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини кўриш.

Бош давлат ветеринария инспектори қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

31. Қўйидагилар Кўмита раиси ўринbosарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунлари, шунингдек, норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

Кўмита раиси вақтинча бўлмагандан тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Кўмитанинг ўзи назорат қиласидаги таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, улар ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Кўмита фаолиятининг ўзи назорат қиласидаги йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Кўмитанинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чукур таҳлил қилиб бориш;

ўзи назорат қиласидаги таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисботларини мунтазам равишда эшишиб бориш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

ўзи назорат қиласидаги таркибий бўлинмалар раҳбарларининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини таъминлаш, ўзи назорат қиласидаги таркибий бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон **қарорига** ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро

интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон **қарорига** мувофиқ таркибий бўлинма раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Кўмита Ҳайъати қарорлари, Кўмита раисининг буйруқ ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи назорат қиласидан таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Кўмита раисига таклифлар киритиш, уларнинг касбий маҳорати, ўз ишини билиши, амалий тажрибаси, юқори даражада ишлаш хусусиятлари ва маънавий-ахлоқий фазилатлари кафолатланганлигини таъминлаш, ходимларнинг касбий малакасини ошириш, ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмаларда ходимлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

ўзи назорат қиласидан таркибий бўлинмалар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тўлиқ ва сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Кўмитанинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини Кўмита раиси томонидан кўриб чиқилиши ва имзоланиши (виза қўйилиши) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон **Фармони** билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартағи 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **Регламенти** талабларига қатъий мувофиқ равища ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг Вазирлар Маҳкамасининг аппаратида кўриб чиқилишида Кўмита раисининг топшириғига асосан иштирок этиш;

Кўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқиш, уларни пухта хуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертиздан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»** 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва **«Мансабдор шахсларнинг хориж мамлакатларига хизмат сафарлари самараси учун шахсий масъулиятларини янада ошириш ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш чоралари тўғрисида»** 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равища амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунгизам равишда танқидий таҳлил қилиш, Кўмитанинг Ҳайъат мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

Кўмита фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий чоралар кўриш, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Кўмита раисига тақдим этиш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида қолишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Кўмита раисига таклифлар киритиш, уларнинг функционал мажбуриятлари ва юкланган вазифаларини бажариши учун шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Кўмита ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги **Қонуни** талабларига мувофиқ, Кўмита тизимида коррупция ва бошқа қонун бузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

давлат хизматлари кўрсатишининг самараси ва сифатини, улардан фойдаланиш имкониятини ошириш бўйича Кўмита раисига таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонуни**, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий **низомга** мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунгизам равишда

ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4904-сон **Фармонига** мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

32. Куйидагилар Кўмита раиси ўринbosарларининг (раиснинг иқтисодий масалалар бўйича ўринbosари ва Раис ўринbosари — «Ўзбекчорванса» агентлиги бош директори бундан мустасно) Давлат ветеринария инспектори сифатидаги асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, юридик ва жисмоний шахсларга зарур ветеринария, ветеринария-санитария тадбирлари ва эпизоотияга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ҳайвонларнинг ва одамларнинг соғлиғи учун хавф туғдирадиган касалликларга чалинган ҳайвонлар аниқланган ҳолларда, ушбу ҳайвонларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида, шунингдек истеъмолга яроқсиз деб топилган, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни йўқ қилиб ташлаш, қайта ишлаш ёки ушбу маҳсулот ва хом ашёдан ўзгача тарзда фойдаланиш ҳақида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги обьектларга монеликсиз кириш ва ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

темир йўл вагонларининг, кемаларнинг, самолётларнинг ва бошқа транспорт воситаларининг ҳолати ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда улардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда чорвачилик обьектларидан, гўшт ва сут саноати корхоналаридан, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом

ашёни қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда чорвачилик фермаларида, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналарда янги қурилган, тикланган ва реконструкция қилинган объектларни ишга туширишни тўхтатиб туриш;

ҳайвонларнинг эгалари томонидан, шунингдек келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишлаш, сақлаш ҳамда уларнинг савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан ветеринария тўғрисидаги қонун хужжатлари ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

чегараолди туманларда, қўшни давлатларда юзага келган эпизоотик вазият тўғрисида тегишли органлар ва ташкилотларни хабардор қилиш, тегишли ветеринария тадбирларини амалга ошириш ҳамда зарур тавсиялар бериш;

ветеринария дори воситалари, озукабоп қўшимчалар ишлаб чиқарилишини ҳамда улардан чорвачилиқда ва ветеринариядага фойдаланилишини назорат қилиш, уларнинг ҳайвонлар соғлиғига ва келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ҳамда хом ашё сифатига таъсирини баҳолаш;

ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари аниқланган тақдирда тегишли ҳудудларни нобоп пунктлар деб эълон қилиш ва уларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиш тўғрисида, шунингдек ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари тутатилганидан кейин чекловчи тадбирларни (карантинни) бекор қилиш ҳақида тегишли давлат органларига тақдимнома киритиш;

ветеринария тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини бузганлик учун мансабдор шахсларга ва бошқа шахсларга нисбатан белгиланган тартибида маъмурий жазо чораларини кўриш.

Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

33. Қўйидагилар Кўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

тегишли бўлинма фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга ошириш, ушбу бўлинмага Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа қонун

хужжатлари ҳамда Кўмита ҳужжатлари билан юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини муентазам таҳлил қилиш ҳамда худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлашга қаратилган қўшимча чоратадбирлар кўриш бўйича таклифларни Кўмита раисининг назорат қилувчи ўринбосарларига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Кўмитанинг таркибий бўлинмаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ таркибий бўлинма ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Кўмита Ҳайъати қарорлари, раис ва унинг ўринбосарларининг буйруқ ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини, уларнинг тасдиқлаш учун киритилишини, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, худудий бошқармалар ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Кўмита раҳбаријатига киритиш;

таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишида Кўмита раиси ўринбосарларига таклифлар киритиш, уларнинг касбий маҳорати, ўз ишини билиши, амалий тажрибаси, юқори даражада ишлаш хусусиятлари ва маънавий-ахлоқий фазилатлари кафолатланганлигини

таъминлаш, ходимларнинг касбий малакасини ошириш, таркибий бўлинмаларда ходимлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

таркибий бўлинмалар томонидан норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, таркибий бўлинмаларда тайёрланган ҳужжат лойиҳаларини Кўмита раиси томонидан кўриб чиқилиши ва имзоланиши (виза қўйилиши) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон **Фармони** билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 марта 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **Регламенти** талабларига қатъий мувофиқ равища ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппаратида кўриб чиқилишида Кўмита раиси ва унинг ўринbosарлари топшириғига асосан иштирок этиш;

Кўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта хукуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида**» 2014 йил 5 марта ПҚ-2142-сон ва «**Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларига хизмат сафарлари самараси учун шахсий масъулияtlарини янада ошириш ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш чоралари тўғрисида**» 2017 йил 3 августа ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равища амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини мунтазам равища танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 марта 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҷаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг Одоб-ахлоқ намунавий **қоидалари** асосида Кўмита томонидан тасдиқланган Кўмита ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, таркибий бўлинма ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги **Қонуни** талабларига мувофиқ, таркибий бўлинмаларда

коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, хуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси ва сифатини, улардан фойдаланиш имкониятини ошириш бўйича Кўмита раҳбариятига таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Қонуни](#), Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий [низомга](#) мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равищда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4904-сон [Фармонига](#) мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш.

34. Куйидагилар Кўмита марказий аппарати ваколатли ходимларининг Давлат ветеринария инспектори сифатидаги асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, юридик ва жисмоний шахсларга зарур ветеринария, ветеринария-санитария тадбирлари ва эпизоотияга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ҳайвонларнинг ва одамларнинг соғлиғи учун хавф туғдирадиган касалликларга чалинган ҳайвонлар аниқланган ҳолларда, ушбу ҳайвонларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида, шунингдек истеъмолга яроқсиз деб топилган, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишлаш, йўқ қилиш ёки ушбу маҳсулот ва хом ашёдан ўзгача тарзда

фойдаланиш ҳақида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги объектларга монеликсиз кириш ва ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

темир йўл вагонлари, кемалар, самолётлар, автотранспорт ва бошқа транспорт воситаларининг ҳолати ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда улардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда чорвачилик объектларидан, гўшт ва сут саноати корхоналаридан, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда чорвачилик фермаларида, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналарда янги қурилган, тикланган ва реконструкция қилинган объектларни ишга туширишни тўхтатиб туриш;

ҳайвонларнинг эгалари томонидан, шунингдек келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишлаш, сақлаш ҳамда уларнинг савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

чегараолди туманларда, қўшни давлатларда юзага келган эпизоотик вазият тўғрисида тегишли органлар ва ташкилотларни хабардор қилиш, тегишли ветеринария тадбирларини амалга ошириш ҳамда зарур тавсиялар бериш;

ветеринария дори воситалари, озукабоп қўшимчалар ишлаб чиқарилишини ҳамда улардан чорвачиликда ва ветеринарияда фойдаланилишини назорат қилиш, уларнинг ҳайвонлар соғлиғига ва келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ҳамда хом ашё сифатига таъсирини баҳолаш;

ҳайвонларнинг юқумли қасалликлари ўчоқлари аниқланган тақдирда тегишли ҳудудларни нобоп пунктлар деб эълон қилиш ва уларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиш тўғрисида, шунингдек ҳайвонларнинг юқумли қасалликлари ўчоқлари тутатилганидан кейин чекловчи (карантин) тадбирларни бекор қилиш ҳақида тегишли давлат органларига тақдимнома киритиш;

ветеринария тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини бузганлик учун мансабдор шахсларга ва бошқа шахсларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини кўриш.

35. Куйидагилар ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли хужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Қўмитанинг хужжатлари билан ушбу бўлинмаларга юклangan вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар таркибига кирувчи туман (шаҳар) бўлинмалари ва ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини таъминлаш, ҳудудий бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон **қарорига** ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон **қарорига** мувофиқ бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Қўмита Ҳайъати қарорлари, Қўмита раиси ва унинг ўринbosарларининг буйруқ ва топшириклари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Қўмита фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ўз ўринbosарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ўз

ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятининг алоҳида қисмларига раҳбарлик қилиши учун уларнинг шахсий масъулияти даражаларини белгилаш;

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, худудий бўлинма ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шартшароитлар яратиш, худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларининг кадрлар захирасини шакллантириш;

Қўмита раиси номенклатурасига кирадиган лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларига ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юқори даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чоратадбирларни амалга ошириш;

Қўмита худудий бўлинмалар ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг Одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Қўмита ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ, худудий бўлинмаларда коррупция ва бошқа қонун бузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳуқук амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш;

прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-

тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Кўмита раисининг назорат қилувчи ўринбосарларига киритиш;

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини мунтазам равища танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшлиши, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятига оид масалалар юзасидан қонун хужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси ва сифатини, улардан фойдаланиш имкониятини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Кўмита раҳбариятига киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Қонуни](#), Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотлarda жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий [низомга](#) мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равища ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими니 тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4904-сон [Фармонига](#) мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини мукофотлаш, лавозим маошига устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни тақдирлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, ходимларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни Кўмитага киритиш;

давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, судларда, бошқа орган ва ташкилотларда Кўмитанинг бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари манфаатларини ифодалаш.

36. Қуидагилар ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг Давлат ветеринария инспектори (ваколатли ходимлари) сифатидаги асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, юридик ва жисмоний шахсларга зарур ветеринария, ветеринария-санитария тадбирлари ва эпизоотияга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ҳайвонларнинг ва одамларнинг соғлиғи учун хавф туғдирадиган касалликларга чалинган ҳайвонлар аниқланган ҳолларда, ушбу ҳайвонларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида, шунингдек истеъмолга яроқсиз деб топилган, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишлаш, йўқ қилиш ёки ушбу маҳсулот ва хом ашёдан ўзгача тарзда фойдаланиш ҳақида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги обьектларга монеликсиз кириш ва ветеринария тўғрисидаги қонун хужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

темир йўл вагонлари, кемалар, самолётлар, автотранспорт ва бошқа транспорт воситаларининг ҳолати ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда улардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда чорвачилик обьектларидан, гўшт ва сут саноати корхоналаридан, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда чорвачилик фермаларида, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналарда янги қурилган, тикланган ва реконструкция қилинган обьектларни ишга туширишни тўхтатиб туриш;

ҳайвонларнинг эгалари томонидан, шунингдек келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишлаш, сақлаш ҳамда уларнинг савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан ветеринария тўғрисидаги қонун хужжатлари ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

чегара олди туманларда, қўшни давлатларда юзага келган эпизоотик вазият тўғрисида тегишли органлар ва ташкилотларни хабардор қилиш,

тегишли ветеринария тадбирларини амалга ошириш ҳамда зарур тавсиялар бериш;

ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар ишлаб чиқарилишини ҳамда улардан чорвачиликда ва ветеринарияда фойдаланилишини назорат қилиш, уларнинг ҳайвонлар соғлиғига ва келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ҳамда хом ашё сифатига таъсирини баҳолаш;

ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари аниқланган тақдирда тегишли худудларни нобоп пунктлар деб эълон қилиш ва уларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиш тўғрисида, шунингдек ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари тугатилганидан кейин чекловчи (карантин) тадбирларни бекор қилиш ҳақида тегишли давлат органларига тақдимнома киритиш;

ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун мансабдор шахсларга ва бошқа шахсларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини кўриш.

37. Куйидагилар туман (шахар) бўлимлар раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

туман (шахар) бўлимига раҳбарлик қилиш;

ходимлар ўртасида функционал ва фаолиятнинг алоҳида йўналишлари бўйича вазифаларни тақсимлаш ҳамда уларнинг масъуллик даражасини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ таркибий бўлинма ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Кўмита Ҳайъати қарорлари, Кўмита раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг буйруқ ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Кўмита фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

туман (шаҳар) бўлимларида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларига таклифлар киритиш, уларнинг касбий маҳорати, ўз ишини билиши, амалий тажрибаси, юқори даражада ишлаш хусусиятлари ва маънавий-ахлоқий фазилатлари кафолатланганлигини таъминлаш, ходимларнинг касбий малакасини ошириш, туман (шаҳар) бўлимларида ходимлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг Одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида Кўмита томонидан тасдиқланган Кўмита ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, туман (шаҳар) бўлимлар ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги **Қонуни** талабларига мувофиқ, туман (шаҳар) бўлимларда коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, хуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш;

туман (шаҳар) бўлимлар ходимларини мукофотлаш, лавозим маошига устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни тақдирлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, ходимларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида таклифлар киритиш;

давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, судларда, бошқа орган ва ташкилотларда туман (шаҳар) бўлимларининг манфаатларини ифодалаш.

38. Қуйидагилар туман (шахар) бўлимлари раҳбарларининг Давлат ветеринария инспектори сифатидаги асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, юридик ва жисмоний шахсларга зарур ветеринария, ветеринария-санитария тадбирлари ва эпизоотияга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ҳайвонларнинг ва одамларнинг соғлиғи учун хавф туғдирадиган касалликларга чалинган ҳайвонлар аниқланган ҳолларда, ушбу ҳайвонларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида, шунингдек истеъмолга яроқсиз деб топилган, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишлаш, йўқ қилиш ёки ушбу маҳсулот ва хом ашёдан ўзгача тарзда фойдаланиш ҳақида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги обьектларга монеликсиз кириш ва ветеринария тўғрисидаги қонун хужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

темир йўл вагонлари, кемалар, самолётлар, автотранспорт ва бошқа транспорт воситаларининг ҳолати ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда улардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда чорвачилик обьектларидан, гўшт ва сут саноати корхоналаридан, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда чорвачилик фермаларида, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналарда янги қурилган, тикланган ва реконструкция қилинган обьектларни ишга туширишни тўхтатиб туриш;

ҳайвонларнинг эгалари томонидан, шунингдек келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишлаш, сақлаш ҳамда уларнинг савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан ветеринария тўғрисидаги қонун хужжатлари ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

чегараолди туманларда, қўшни давлатларда юзага келган эпизоотик вазият тўғрисида тегишли органлар ва ташкилотларни хабардор қилиш, тегишли ветеринария тадбирларини амалга ошириш ҳамда зарур тавсиялар бериш;

ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар ишлаб чиқарилишини ҳамда улардан чорвачиликда ва ветеринарияда фойдаланилишини назорат қилиш, уларнинг ҳайвонлар соғлиғига ва келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ҳамда хом ашё сифатига таъсирини баҳолаш;

хайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари аниқланган тақдирда тегишли ҳудудларни нобоп пунктлар деб эълон қилиш ва уларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиш тўғрисида, шунингдек ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари тутатилганидан кейин чекловчи (карантин) тадбирларни бекор қилиш ҳақида тегишли давлат органларига тақдимнома киритиш;

ветеринария тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини бузганлик учун мансабдор шахсларга ва бошқа шахсларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини кўриш.

## **6-боб. Қўмита раҳбарларининг жавобгарлиги**

39. Қўмита раиси:

Қўмитага юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг [22-бандида](#) назарда тутилган Қўмитанинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг [29](#) ва [30-бандида](#) кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

40. Қўмита раисининг ўринбосарлари:

Қўмитанинг ўзи назорат қиласиган таркибий бўлинмаларида Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг [22-бандида](#) назарда тутилган Қўмитанинг ўzlари назорат қиласиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг [31](#) ва [32-бандида](#) кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

41. Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

ушбу Низомнинг [24-бандида](#) назарда тутилган Қўмита марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг [33](#) ва [34-бандида](#) кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

42. Ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилот раҳбарлари:

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг [26-бандида](#) назарда тутилган Қўмита ҳудудий бўлинмаларида идоравий мансуб ташкилотларнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг [35](#) ва [36-бандида](#) кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

43. Туман (шаҳар) бўлимлар раҳбарлари:

туман (шаҳар) бўлимларига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг **28-бандида** назарда тутилган туман (шаҳар) бўлимларнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг **37** ва **38-бандида** кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## **7-боб. Қўмита фаолиятини ташкил этиш**

### **1-§. Қўмита раҳбарияти**

44. Қўмитага Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси томонидан маъқуллангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис раҳбарлик қиласи.

45. Қўмита раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринbosари ва ўринbosарлари бўлади.

Агентлик бош директори лавозимига кўра Қўмита раисининг ўринbosари ҳисобланади.

46. Қўмита раиси мақоми, моддий, майший, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари бўйича вазирга, унинг биринчи ўринbosари вазирнинг биринчи ўринbosарига, унинг ўринbosарлари эса, вазир ўринbosарига тенглаштирилади.

47. Қўмита раиси бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига биноан унинг ўринbosарлари томонидан бажарилади.

### **48. Қуидагилар:**

Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Қўмита раиси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қўмита марказий аппарати ходимлари, ҳудудий бошқармалар бошлиқ ўринbosарлари, Қўмита тизимиға кирувчи республика ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарлари Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳри ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари бошлиқлари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

туманлар (шаҳарлар) бўлимлари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимларининг тақдимиға биноан лавозимиға тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг қонунчиликда белгиланган тартибдаги жараёни якунига етгунига қадар, кўрсатиб ўтилган таркибий бўлинмалар фаолиятини таъминлаш мақсадида, Кўмита раиси бошлиқнинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш ҳукуқига эга.

49. Кўйидаги лавозимларда олий маълумотга эга ветеринария мутахассислари (ветеринария мутахассислиги билан боғлиқ бўлмаган лавозимлар бундан мустасно) фаолият юритади:

Кўмита раиси ва унинг ўринbosарлари, марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари;

Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази, ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий маркази, ветеринария илмий-тадқиқот институти директорлари ва уларнинг ўринbosарлари, лаборатория мудирлари ва бўлим бошлиқлари (мудирлари) ва ветеринария мутахассислари;

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринbosарлари, бўлим бошлиғи ва мутахассислари, чегара ва транспорт (участка) ветеринария пунктларининг раҳбарлари ва ветеринария мутахассислари;

Худудий бошқармаларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарлари, бўлим бошлиқлари ва сектор мудирлари ҳамда мутахассислари, туман (шаҳар) бўлими бошлиқлари ва уларнинг ўринbosарлари, ветеринария участка мудирлари ҳамда ветеринария мутахассислари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари директорлари ва уларнинг ўринbosарлари, бўлим бошлиқлари (мудирлари) ва ветеринария мутахассислари, туманлар (шаҳарлар) ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари директорлари, бозорлар ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси мудирлари, бўлим бошлиқлари ҳамда ветеринария мутахассислари.

50. Кўмита раиси — Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспектори, унинг ўринbosарлари эса — Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринbosарлари (раиснинг иқтисодий масалалар бўйича ўринbosари ва Раис ўринbosари — «Ўзбекчорванасл» агентлиги бош директори бундан мустасно) ҳисобланади.

Худудий бошқармаларнинг раҳбарлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланади.

51. Қўмитанинг давлат ветеринария назорати бошқармаси ветеринар мутахассислари ўз ваколатлари доирасида давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади.

52. Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси бошлиғи давлат чегараси ва транспортда бош давлат ветеринария инспектори, унинг ўринбосарлари эса давлат чегараси ва транспортда бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланади.

53. Туман (шаҳар) бўлимларининг бошлиқлари тегишли равища туманлар (шаҳарлар) бош давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади.

54. Ветеринария участкалари ва бозорлар ветеринария-санитария экспертиза лабораториясининг мудирлари, тегишли равища участка ва бозорларда давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади.

55. Давлат чегараси ва транспортда ветеринария назорати ветеринария пунктларининг (участкаларнинг) бошлиқлари ва ветеринар врачлари, тегишилича Давлат чегараси ва транспортда ветеринария назорати ветеринария пунктларининг (участкаларнинг) давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади.

56. Давлат ветеринария инспекторлари қўйидаги ваколатларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, юридик ва жисмоний шахсларга зарур ветеринария, ветеринария-санитария тадбирлари ва эпизоотияга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ҳайвонлар ва одамларнинг соғлиғи учун хавф туғдирадиган касалликларга чалинган ҳайвонлар аниқланган ҳолларда, ушбу ҳайвонларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида, шунингдек истеъмолга яроқсиз деб топилган, ушбу соҳадаги маҳсулот ва хом ашёни йўқ қилиб ташлаш, қайта ишлаш ёки ушбу маҳсулот ва хом ашёдан ўзгача тарзда фойдаланиш ҳақида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

давлат ветеринария хизмати назоратидаги объектларга монеликсиз кириш ва ветеринария тўғрисидаги қонун хужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

темир йўл вагонлари, кемалар, самолётлар ва бошқа транспорт воситалари ҳолатининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва

нормаларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда, улардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда, чорвачилик, шунингдек гўшт ва сут саноати обьектларидан, ушбу соҳадаги маҳсулот ва хом ашёни ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ҳамда сақловчи корхоналардан фойдаланишни тақиқлаш;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларининг бузилишлари аниқланган тақдирда, чорвачилик фермаларида, ушбу соҳадаги маҳсулот ва хом ашёни ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ҳамда сақловчи ташкилотларда янги қурилган, тикланган ва реконструкция қилинган обьектларни ишга туширишни белгиланган тартибда тўхтатиб туриш;

чегара олди туманларда, қўшни давлатларда юзага келган эпизоотик ҳолат тўғрисида тегишли органлар ва ташкилотларни хабардор қилиш, тегишли ветеринария тадбирларини амалга ошириш ҳамда зарур тавсиялар бериш;

ветеринария дори воситалари, озукабоп қўшимчалар тайёрлашини, ишлаб чиқарилишини ҳамда улардан чорвачиликда ва ветеринариядага фойдаланилишини назорат қилиш, уларнинг ҳайвонлар соғлиғига ва ушбу соҳадаги маҳсулот ҳамда хом ашё сифатига таъсирини баҳолаш;

ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари аниқланган тақдирда, тегишли ҳудудларни нобоп пунктлар деб эълон қилиш ва уларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиш тўғрисида, шунингдек ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари тугатилгандан кейин чекловчи тадбирларни (карантинни) бекор қилиш ҳақида тегишли давлат органларига тақдимнома киритиш;

ветеринария тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини бузганлик учун мансабдор шахсларга ва бошқа шахсларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини қўллаш.

Давлат ветеринария инспекторлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вақолатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

57. Кўмита тизими ходимларига Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган Кўмита ходимларининг хизмат гувоҳномаси тўғрисидаги низомга мувофиқ хизмат гувоҳномалари берилади.

## **2-§. Кўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби**

58. Кўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро

ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

59. Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилиб:

топшириқларни ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказадилар ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиласидилар;

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларига таркибий бўлинмаларининг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборадилар ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қиласидилар;

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти амалиётини текширадилар ва ўрганадилар, натижаларни умумлаштирадилар, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар ва қабул қиласидилар;

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисбот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этадилар;

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари иш режаларини таҳлил қиласидилар, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни кўрадилар;

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқадилар;

норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари иштирокини ташкил этадилар, ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқадилар.

60. Ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қиласидилар, шу жумладан:

Қўмита раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида ахборот берадилар;

фаолиятнинг белгиланган соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида Қўмита марказий аппаратига ахборот тақдим этадилар;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот берадилар;

Қўмитанинг марказий аппаратига ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисботларни белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этадилар;

Кўмитанинг марказий аппаратига худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш муаммоларини, шу жумладан, аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган таклифларни юборадилар;

худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш натижалари тўғрисида ахборот берадилар;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида ахборот берадилар.

61. Кўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Кўмита раисининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринbosарлари томонидан кўриб чиқилади. Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, улар бўйича қарор бевосита Кўмита раиси томонидан қабул қилинади.

62. Ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ва идоравий мансуб ташкилот раҳбарлари Кўмита раиси, унинг ўринbosарларива Кўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда ҳудудий ҳокимликлар (ҳудудий бошқармалари ҳудудий ҳокимликлар олдида) олдида ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолияти тўғрисида мунтазам равища ҳисобот бериб боради.

Ўзларга юклangan вазифаларни самарали бажариши бўйича фаолиятининг доимий мониторингини олиб боради, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларфаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

Мониторинг ва баҳолаш яқунлари бўйича ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнингaloҳида ўrnak кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача жавобгарликка тортилади.

63. Туман (шаҳар) бўлимлар раҳбарлари Кўмита раиси, унинг ўринbosарларива Кўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ҳамда ҳудудий ҳокимликлар олдида туман (шаҳар) бўлимлар фаолияти тўғрисида мунтазам равища ҳисобот бериб боради.

Ўзларга юклangan вазифаларни самарали бажариши бўйича фаолиятининг доимий мониторингини олиб боради, туман (шаҳар) бўлимларифаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

Мониторинг ва баҳолаш яқунлари бўйича туман (шаҳар) бўлимларининг алоҳида ўrnak кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва

ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача жавобгарликка тортилади.

### **3-§. Қўмитанинг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби**

64. Қўмита ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

65. Худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Худудий бошқармалари, идоравий мансуб ташкилотлар ҳамда туман (шахар) бўлимлар тегишли худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро узвий ҳамкорлик қиласдилар.

### **4-§. Қўмитанинг ҳайъати, бошқа маслаҳат, консультатив ва эксперт органлари**

66. Қўмитада раис (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, асосий фаолият йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар раҳбарларидан иборат таркибдаги ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Қўмита раисининг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

67. Ҳайъатга қуидаги вазифалар юкланди:

ушбу Низомда белгиланган Қўмита фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Қўмита тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чораларни қабул қилиш, таркибий ва худудий бошқармалариҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини тизимли асосда эшитишни ташкил этиш;

ҳар чоракда ва тизимли тарзда Қўмита фаолияти доирасида худудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилиши натижадорлигини кўриб чиқиш;

Қўмита фаолияти доирасидаги долзарб масалаларни жойларда муҳокама қилишни таъминлаган ҳолда Ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр

мажлисларини ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Кўмита марказий аппарати ва унинг тизимига кирувчи лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Кўмита номенклатурасига кирувчи лавозимларга ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарор ва топшириклиарида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Кўмита раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш.

Ҳайъат Кўмита ваколатларига кирувчи бошқа масалаларни кўриб чиқишига ҳақлидир.

68. Ҳайъат мажлисига Кўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилиниши мумкин.

69. Ҳайъат мажлисида унинг таркибининг ярмидан ортифи иштирок этса Ҳайъат мажлиси қонуний ўтказилган деб ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

70. Ҳайъат қарорлари Кўмита раисининг буйруғи (Кўмитанинг қарорлари) билан амалга оширилади.

71. Кўмита раиси ва Ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Кўмита раиси Вазирлар Маҳкамасига юзага келган келишмовчиликлар ҳақида хабар берган ҳолда, мустақил равишда қарор қабул қиласиди. Бундай вазиятда Ҳайъат аъзолари Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрларини билдиришлари мумкин.

72. Ҳайъатнинг фаолият юритиш тартиби Ҳайъат томонидан тасдиқланадиган унинг регламенти билан белгиланади.

73. Кўмита ҳузурида илмий-техник Кенгаш тузилади. Илмий-техник Кенгаш тўғрисида низом ва унинг шахсий таркиби Кўмита Ҳайъати томонидан тасдиқланади.

74. Кўмитада Жамоатчилик кенгаши ташкил қилинади.

Жамоатчилик кенгаши таркибига соҳадаги мутахассислар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, илмий ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоатчилик бирлашмаларининг вакиллари киради.

Жамоатчилик кенгашининг шахсий таркиби, шунингдек, унинг Низоми Кўмита раиси томонидан тасдиқланади.

75. Қўйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

қабул қилинаётган норматив-хуқуқий хужжатларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва худудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун хужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юклangan ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини қўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича Кўмита ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

биргаликда мулоқот қилиш, Кўмитанинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;

фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан Кўмитанинг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

Кўмита фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

Кўмита фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Кўмита фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Кўмита фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Кўмита ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам қўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни

комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил якунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

### **8-боб. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлари**

76. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳолаб борилади.

77. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторларига асосланади.

78. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш натижалари асосида:

Қўмита раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жазолаш;

Қўмита фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

### **9-боб. Қўмитани молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш**

79. Қўмита марказий аппарати, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ҳамда муассасаларини моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, грантлар, ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамгармаси, пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

80. Давлат ветеринария хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

81. Қўмита ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, иш ҳақига туман (худудий) коэффициентлар, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа рағбатлантирувчи тўловлардан иборат бўлади.

82. Қўмита қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда соҳа ходимларининг ҳаётини суғурталаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширади.

Қўмита ходимлари лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган қўшимча ҳақлар, устамалар ва рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган бошқа тўловлар белгиланган тартибга мувофиқ тўланади.

83. Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик учун маъмурий жарима маблағлари Кўмитанинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

#### **10-боб. Кўмитанинг Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобот бериши**

84. Кўмита раҳбарлари Вазирлар Маҳкамаси олдида Кўмита фаолияти тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот бериб боради.

Вазирлар Маҳкамасининг соҳага масъул раҳбари Кўмита раҳбарларининг уларга юкланган вазифаларни самарали бажариши бўйича фаолиятининг доимий мониторингини олиб боради, Кўмита фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ва муассасаларининг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгacha жавобгарликка тортилади.

85. Кўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари Кўмита раиси ва унинг ўринбосарлари олдида марказий аппарат фаолияти тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот бериб боради.

Ўзларга юкланган вазифаларни самарали бажариши бўйича фаолиятининг доимий мониторингини олиб боради, марказий аппарат фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича марказий аппаратнинг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгacha жавобгарликка тортилади.

#### **11-боб. Якуний қоида**

86. Кўмита қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

**Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги 532-сон қарорига  
2-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Ветеринария хизмати ва  
чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағларини  
шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасида (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) тузилади.

3. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш мақсадида 7 нафар аъзодан иборат Жамғарма кенгаши тузилади.

Жамғарма кенгаши таркиби Қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

## **2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш**

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасининг ҳамда Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий марказининг хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағларнинг 75 фоизи;

аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва молларини сугурталаш бўйича аҳоли ва хўжаликлар томонидан тўланадиган сугурта мукофотлари ҳисобига сугурта ташкилотлари томонидан ўтказиладиган агентлик комиссиян мукофоти;

ҳайвонларни идентификация қилиш хизматлар кўрсатишдан тушадиган 25 фоиз миқдоридаги маблағлари;

чорвачилик фермер хўжаликларига сотиладиган уруғлар, сунъий уруғлантириш хизматини кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

5. Қўмитанинг тузилмалари ҳисоб рақамларига кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган хорижий валютадаги маблағларнинг мазкур жамғармага тегишли бўлган қисми Қўмита сўровига қадар тузилмалар ҳисоб-рақамида сақланади ва ушбу маблағлар фақатгина Қўмитанинг топшириғига кўра мақсадли йўналтирилади.

6. Жамғармага тушган маблағлар Қўмитанинг жамғарма учун алоҳида очиладиган хорижий ва миллий валютада шахсий ғазначилик ҳисобрақамида жамланади.

## **3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш**

7. Жамғарманинг маблағларидан қўйидагилар учун фойдаланилади:

ветеринария ва чорвачиликни барча тармоқлари, шу жумладан қорамолчилик, қўйчилик, қоракўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчиликни ривожлантириш,

наслчилик-селекция ишлари соҳаси (кейинги ўринларда ветеринария чорвачилик соҳаси деб юритилади)даги илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш;

Кўмита марказий аппарати ва унинг тизимидағи ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда уларга молиявий ёрдам кўрсатиш;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш хизматининг кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан хорижий таълим муассасаларида малака оширишни ташкил қилиш;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш хизмати ходимларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

Кўмита ва «Ўзбекчорванасл» агентлиги марказий аппарати ходимларининг иш ҳаки, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, шахсий устамалар, рағбатлантиришлар ва меҳнат ҳаки тизимида назарда тутилган бошқа тўловларни тўлаш;

ходимларга моддий ёрдам, транспорт ва овқатланиш харажатларини тўлаш орқали уларни ижтимоий муҳофаза қилиш;

иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларида ишга жалб этилганлиги учун тўловлар ҳамда бошқа пуллик компенсациялар тўлаш;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасида хизмат қилаётган ходимларни истеъмол кредитлари учун қайтариш шарти билан фоизсиз бошланғич бадали тўловлари;

бошқарув ходимларининг қўшимча штат бирликларини саклаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари юқори малакали мутахассисларини, шунингдек халқаро ташкилотлар ва экспертларни консультант сифатида жалб этиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳаки миқдори ва бошқа тўловларни чет эл валютасида тўлаш;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасига оид лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш учун экспертларни (аудиторлар, илмий ходимлар ва шу кабилар), шунингдек халқаро экспертларни жалб қилиш;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги халқаро йиғилишлар, кўргазмалар, лойиҳалар ва дастурларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатлар;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасига оид хорижий ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассисларининг Ўзбекистон Республикасида бўлиши даврида уларни қабул қилиш ва кузатиш билан боғлиқ харажатлар;

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасида конференциялар, давра сұхбатлари ҳамда семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш;

босма нашр маҳсулотларини, электрон дастурлар ишлаб чиқиш, шунингдек ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасига оид бланкалар тайёрлаш.

8. Жамғарма маблағларидан қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ фойдаланилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан давлат тадбирларини амалга ошириш, эпизоотия хавфи бўлганда ёки фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ва бошқа шу каби ҳолларда) Жамғарма кенгашининг қарорига мувофиқ унинг маблағларидан фойдаланиш мумкин.

9. Жамғарма маблағлари ҳисобидан мазкур Низомнинг **6-бандида** назарда тутилган ишларни амалга ошириш учун умумий қиймати унинг фойдаланувчилари томонидан Кўмита белгилаган шаклдаги буюртманомалар тақдим этилиши лозим.

10. Буюртманомаларни қабул қилиш ва умумлаштириш ишларини ташкил этиш, Жамғарма кенгашининг қарорига асосан даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳасини тузиш ва Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан доимий мониторинг олиб бориш Жамғарма маблағларини бошқариш бўйича бош мутахассиси томонидан амалга оширилади.

#### 11. Жамғарма кенгashi:

ушбу Низомда назарда тутилган мақсадлар учун маблағлар ажратилиши юзасидан буюртманомаларни қабул қиласи, кўриб чиқади ва умумлаштиради;

қабул қилинган буюртманомалар орасидан энг устуворлари ва асосланганларини танлаб олади ҳамда маблағ ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қиласи;

ушбу Низомнинг **7-бандига** мувофиқ белгиланган йўналишлар доирасида маблағлардан фойдаланиш учун энг устуворларини танлайди;

ажратилган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда молиялаштиришни тўхтатади ва ажратилган маблағларни ундириш чораларини кўради;

Жамғармага оид бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласи.

12. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш ҳар йили Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатлар сметаси бўйича амалга оширилади. Даромадлар ва харажатлар сметаси қонун хужжатларида

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилади.

13. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси келгуси йилда молиявий маблағлар келиб тушишининг кутилаётган прогнози ва амалга оширилиши белгиланган тадбирларни ўтказишдан келиб чиқсан ҳолда тузилади.

14. Кўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ва муассасалари Жамғарма маблағларидан фойдаланиш учун буюртманома тақдим этадилар. Бунда, харажатни амалга ошириш заруритининг асослари, зарур маблағлар миқдори, шунингдек уларни бажариш учун бошқа маблағларнинг йўқлиги кўрсатилади.

Буюртманомалар келгуси молия йили учун жорий йилнинг 1 июнигача Кўмитага тақдим этилади.

Буюртманома ёзма шаклда, электрон почта ёки бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилади.

Буюртманомада қуидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

ташкilotning тўлиқ номи ва аниқ реквизитлари;

мавжуд муаммолар ва уларнинг (тўлиқ ёки қисман ва белгиланган муддатларда) ҳал қилиш имконияти, маблағлардан фойдаланиш мақсадлари, шунингдек кутилаётган натижалар кўрсатилган тушунтириш хати;

сўралаётган маблағларнинг ҳисоб-китоби.

Зарурат бўлганда буюртманомага уни асословчи тегишли ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

15. Тақдим этилган буюртманомалар ҳар йили 1 июлгача бўлган муддатда Жамғарма кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва маблағлардан фойдаланишнинг устувор йўналишлари белгиланади ҳамда унинг асосида маблағлар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

16. Жамғарманинг ҳисобот йилида фойдаланилмаган маблағлари (колдиқ маблағлар) кейинги ҳисобот йилига ўтади ва мазкур Низомда назарда тутилган тартибда фойдаланилади.

#### **4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш, назорат ва жавобгарлик**

17. Жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисботи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юритилади ва тақдим этилади.

18. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ва муассасалари Кўмита ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига

Жамғарма даромадлари ва харажатлари тўғрисида ҳисоботларни қонун ҳужжатларда белгиланган шакл ва муддатларда тақдим этади.

20. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июнданги 532-сон қарорига  
3-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл»  
аентлиги тўғрисидаги**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Кўмита деб аталади) ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» аентлигининг (кейинги ўринларда Аентлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хукуқлари ва жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисбот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Аентлик республикада чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқлари ҳамда наслчилик ишларини ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Аентлик ўз фаолиятида Кўмита раисига бўйсунади ва ҳисбот беради.

4. Аентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Кўмитанинг буйруқлари ва Ҳайъати қарорларига ҳамда ушбу Низомга амал қиласди.

5. Аентлик, унинг таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Чорванасл» марказлари (кейинги ўринларда Ҳудудий марказлар деб аталади), «O’znaşlıchilik» давлат корхонаси ва «Ўззооветтаъминотхизмат» давлат унитар корхонаси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига шахсий ғазна ҳисобвақларига, банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

6. Аентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат Кўмитаси хузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлиги, қисқартирилгани — «Ўзбекчорванасл» агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи — Agency of «Uzbekchorvanasl» under the Veterinary and livestock development State Committee of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилгани — «Uzbekchorvanasl» agency;

в) рус тилида:

тўлиқ номи — Агентство «Узбекчорванасл» при Государственном Комитете ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан, қисқартирилгани — Агентство «Узбекчорванасл».

7. Агентликнинг жойлашган жойи (почта манзили): 100123, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21а уй.

## **2-боб. Агентликнинг тузилмаси**

8. Агентлик тизимиға қўйидагилар киради:

Агентликнинг марказий аппарати;

Худудий марказлар ва уларнинг туманлардаги вакилликлари;

«O’znaşlıchılık» давлат корхонаси, «Ўззооветтаъминотхизмат» давлат унитар корхонаси ва уларнинг республика ҳудудларидағи бўлинмалари (филиаллари).

## **3-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари**

### **1-§. Агентликнинг вазифалари ва функциялари**

9. Қўйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

чорвачилик тармоғини ривожлантириш, сунъий уруғлантиришни ташкил этиш, наслчилик-селекция ишларини такомиллаштириш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш;

чорвачиликда соғ генофондни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ишлаб чиқилган наслчилик-селекция дастурларини амалиётга татбиқ этиш ва мувофиқлаштириш;

чорвачиликда наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш мақсадида наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, такрор кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш;

озуқабоп экинларни етиштириш учун ажратилган ер участкаларида ушбу экинлар етиштирилишини мониторинг қилиш.

10. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

*a) чорвачилик тармоғини ривожлантириши, сунъий ургулантишини ташкил этиши, наслчилик-селекция ишларини такомиллаштириши, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарии ҳажмларини кўпайтиши, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаши соҳасида:*

чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиши, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасига доир тармоқ дастурлари, норматив-хуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади;

чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича тасдиқланган тармоқ дастурлари, норматив-хуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг ижросини ваколатлари доирасида ташкил этади;

чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш ҳамда наслчилик ишларини такомиллаштириш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиради, шунингдек ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, чорвачилик тармоқларини узок муддатли илмий-технологик, иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш концепцияси ва дастурларини ишлаб чиқади;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча йўналишдаги чорвачилик билан шуғулланувчи субъектларга замонавий технологиялар ва инновацион ишланмаларни татбиқ этади;

чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш учун замонавий ва инновацион технологиялардан фойдаланиш, шунингдек наслчилик ишларини такомиллаштириш орқали чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди ҳамда раҳбариятга тақдим этади;

хорижий давлатлардаги чорва молларини озиқлантириш ва наслчилик ишига оид илфор тажрибаларни ўрганиб боради ҳамда илм-фан ютуқларини ва ўрганилган тажрибаларни амалиётга кенг кўламда жорий этиш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқади;

асосий, тақориий ва оралиқ озуқабоп экинларини экиш учун уруғлик билан таъминлашда озуқабоп экинлар ва яйлов уруғчилиги тизимини мувофиқлаштиради, озуқабоп экинлар етиштириш агротехникаси ва чорвачилик тармоқларидаги чорва молларини озиқлантиришнинг самарали услубларини ва илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ қиласида;

чорвачилик тармоқларини ривожлантириш соҳасига оид Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, ҳужжатлари, мажлис баёнлари, Қўмита буйруқлари, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида тизим

ташкилотларида белгиланган тадбирларни бажарилишини мувофиқлаштиради ва уларни мониторингини юритади;

чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, шунингдек, чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ишларни ташкил этади, маҳсулотлар ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқади;

чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини белгилаш, мавжуд муаммолар сабабларини ўрганиш ҳамда бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

илмий-тадқиқот институтлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа илмий-тадқиқот муассасаларининг соҳани ривожлантириш борасидаги долзарб мавзуларини белгилаш, замонавий илмий ишланмалар, инновацион ғоялар ва технологиялари, илмий-технологик ишланмаларини, шунингдек, илғор хорижий технологиялар ва тажрибаларни ўрганиш, тарғиб қилиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ишларини мувофиқлаштиради;

чорва молларини сунъий уруғлантириш ва уларни такрор кўпайтириш, наслдорлик ва маҳсулдорлик сифат кўрсатгичларини такомиллаштириш бўйича қўлланмалар ва услубий тавсияномалар ишлаб чиқади;

идентификация қилинган чорва ҳайвонларини ягона маълумотлар базасини юритади ҳамда идентификация қилинган ҳайвонларни ҳисобга қўйилишини ва ҳисобдан чиқарилишини мониторинг қиласди;

чорва ҳайвонларининг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифат кўрсатгичларини яхшилаш учун насли маҳсулотларнинг ресурсларини яратиш, сақлаш, такрор кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланишни ташкил этади;

ахоли қарамоғидаги чорва ҳайвонларини идентификация қилишнинг афзалликлари ва моҳияти тўғрисида тушунтириш ҳамда тарғибот ишларини олиб боради;

етакчи хорижий давлатлардаги илмий-тадқиқот ҳамда таълим муассасаларида чорвачилик тармоқлари ва наслчилик субъектларидаги кадрларнинг малакасини ошириш чораларини кўради;

*б) чорвачиликда соғ генофондни сақлаб қолиши ва ривожлантириши, илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ишлаб чиқилган наслчилик-селекция дастурларини амалиётга татбиқ этиши ва мувофиқлаштириши соҳасида:*

истиқболли селекция наслчилик иши дастурларини ва чорва ҳайвонларини жуфтлаш режаларини ишлаб чиқади ҳамда уларнинг бажарилиши бўйича мониторинг юритади;

наслчилик ишларини, шунингдек чорва ҳайвонларини сунъий уруғлантириш ва қорамолларни зоти бўйича районлаштиришни ташкил этади;

Худудий марказлар, «Ўззооветтальминотхизмат» давлат унитар корхонаси ва «O'z naslchilik» давлат корхонаси ҳамда наслчилик субъектлари орқали фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларига наслдор ҳайвонлар етказиб беришни ташкил этади;

жаҳон генофондига хос юқори маҳсулдор наслдор ҳайвонларнинг генофондларидан самарали фойдаланишни жорий этиш, хўжалик фойдали белгилари юқори бўлган ҳайвонларни четдан келтириш ва улардан наслчилик ишларида самарали фойдаланишни ташкил этади;

республикадаги мавжуд генофондни сақлаб қолиш ва уни кўпайтириш чораларини кўради;

илғор наслчилик хўжаликлари иш фаолиятини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиб, семинарлар ва кўргазмалар ташкил этади;

юқори маҳсулдор наслдор буқачаларни парваришилаш, уларни баҳолаш ва танлаш асосида, селекция-наслчилик ишларида ва чорва молларини сунъий уруғлантиришда кенг фойдаланишни ташкил этади;

юқори маҳсулдор (рекордист) сигирлардан эмбрион кўчириб ўтказишида ҳамда сигирларни сунъий уруғлантиришда замонавий селекция усулларидан фойдаланади;

наслчилик хўжалиги мақомини бериш ишларини ташкил этади, шунингдек наслчилик заводи, наслчилик хўжалиги ва наслчилик фермаларини давлат аттестациясидан ўтказади;

юқори маҳсулдор моллар каталоглари, бюллетенлари ва давлат наслчилик китобларини шакллантиради ва нашр қилишни ташкил этади;

чорвачилик тармоқлари ва наслчилик иши соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштиради;

*в) чорвачиликда наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаши мақсадида наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, такрор кўпайтириши ва улардан оқилона фойдаланиши соҳасида:*

чорва моллари ва паррандалар бош сони, асалари уялари сонини ошириш, маҳсулотлар етишиши, маҳсулдорликни ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши, замонавий технологиялар асосида чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашни амалиётга жорий қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида маркетинг тадқиқотларини олиб боради;

дехқон ва фермер хўжаликларида, аҳоли томорқаларида чорва моллари бош сонларини кўпайтириш, уларнинг наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини

ошириш, озуқага бўлган талабини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради;

дехқон ва фермер хўжаликлари, аҳоли томорқаларида балиқ ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда интенсив технологияларни кенг кўламда жорий этиш ишларини мувофиқлаштиради;

хориждан келтирилиб маҳаллий шароитга мослашган истиқболли балиқ турларини парваришлишни йўлга қўйишда ва илғор инновацион лойиҳаларни бажариш орқали турли ассортиментдаги балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича ишларни ташкил этиш, шунингдек, уларни озуқа билан таъминлаш тадбирларида тадбиркорлик субъектларига кўмаклашади;

селекция ютуғи экспертизаси ва синовини белгиланган тартибда ўтказади;

наслчилик маҳсулоти (материали)га белгиланган тартибда сертификат беради;

наслдор чорва моллари етиштирувчи чет эл ташкилотлари билан ўз ваколати доирасида шартномалар тузади;

наслчилик хизмати мутахассислари малакасини ошириш ва наслдор ҳайвонларнинг кўргазмаларини ташкил этади;

наслчилик ишларида фойдаланиладиган технология ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ва импорт қилишда иштирок этади;

фермерлар ва дехқон хўжаликлидаги чорва молларига наслчилик хизмати кўрсатишни ташкил этади;

г) озуқабоп экинларни етиштириши учун ажратилган ер участкаларида уибу экинларни етиштирилишини мониторинг қилиши соҳасида:

асосий, такрорий ва оралиқ озуқабоп экинларини илмий асосда жойлаштириш, маданий яйловларни барпо этиш бўйича таклифларни тайёрлаш, Қорқалпоғистон Республикаси ва вилоятларни озуқабоп экинлар уруғликлари, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларга бўлган талабини аниқлаш, шунингдек, озуқа экинларини навлар ва турлар бўйича жойлаштирилиши, экилиши ва етиштирилишини мониторингини ташкил этади;

асосий, такрорий ва оралиқ озуқабоп экинлари ҳамда яйлов ўтлари уруғчилигини йўлга қўйиш ва уруғликка бўлган талабни тўлиқ таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиша иштирок этади.

туман ҳокимларни билан озуқа экинлари учун ажратилган ер майдонларига озуқабоп экинларни жойлаштирилишини келишади;

чорвачилик хўжаликларидағи шартли мол бош сонига нисбатан ер майдонларини ажратилиши ва улардан самарали фойдаланишини мониторингини амалга оширади;

пахта ва ғалла экин майдонларида алмашлаб экишни жорий қилишда чорва озуқаси учун экилиши белгиланган бедани тўлиқ экилишини ҳамда етиштириладиган ҳосилни чорвачилик хўжаликлари ва аҳолига тизимли етказилишини мониторинг қиласди;

11. Агентлик қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12. Агентлик ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бевосита, шунингдек таркибиға киравчи давлат органлари орқали ҳамда «Қоракўлчилик» Республика уюшмаси, «Паррандасаноат» уюшмаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

## **2-§. Агентлик марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари**

13. Куйидагилар Агентлик марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Худудий марказлар ва уларнинг туманлардаги вакилларлар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар билан биргалиқда Агентликка юкланган вазифаларни самарали бажарилишини таъминлаш;

Худудий марказлар ва уларнинг туманлардаги вакилларлар ҳамда идоравий мансуб ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

чорвачилик ва наслчиликнинг амалдаги ҳолатини пухта таҳлил қилиш асосида уларни ривожлантиришга доир ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек амалга оширилишини ташкил этиш;

чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида таклифлар тайёрлаш ва ижросини мувофиқлаштириш;

чорвачилик тармоқларининг янада ривожлантириш борасидаги тадбирларни «Қоракўлчилик» Республика уюшмаси, «Паррандасаноат» уюшмаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмалари билан биргалиқда жойларда ишларни ташкил этиш, мониторингини юритиш;

озуқабоп экин майдонларига экинларни жойлаштириш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таклифларини кўриб чиқиш ва озуқабоп экинлар экилишини мониторинг қилиш;

фермер хўжаликлари кесимида келгуси йил учун озуқабоп экинларни жойлаштириш режасини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

14. Агентлик марказий аппарати ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

Агентлик ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот — таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан чорвачилик тармоқларини ривожлантириш соҳасига оид Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Кўмитанинг қарорлари, буйруқлари ва топшириқлари ижроси устидан тизимли назоратни таъминлайди;

Кўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган чорвачилик тармоқларини ривожлантириш ва наслчилик ишлари соҳасига оид хужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ҳамда уларнинг иқтисодий ва хуқукий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига белгиланган тартибда раҳбарлик қиласи, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва назоратни амалга оширади;

Агентлик фаолияти, шу жумладан, қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини хуқукий таъминланишини ташкил этади;

Агентликнинг ваколатига тегишли оператив, ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш — хўжалик масалаларини ҳал этади;

қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширади.

### **3-§. Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларининг вазифалар ва функциялари**

15. Қуидагилар Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Агентликка юкланган вазифаларни самарали бажарилишини таъминлаш;

туман вакилликларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

худудларни комплекс ижтимоий — иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

чорвачилик ва наслчиликнинг амалдаги ҳолатини пухта таҳлил қилиш асосида уларни ривожлантиришга доир худудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек амалга оширилишини ташкил этиш;

чорвачилик тармоқларини ривожлантиришда чорвачилик субъектларига наслдор ҳайвон ва наслли маҳсулотлари (материаллар)ни етказиб бериш;

чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида таклифлар тайёрлаш ва ижросини мувофиқлаштириш;

чорвачилик тармоқларининг янада ривожалантириш борасидаги тадбирларни «Қоракўлчилик» Республика уюшмаси, «Паррандасаноат» уюшмаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмалари билан биргаликда ташкил этиш ва мониторингини юритиш;

озуқа майдонларига экинларни жойлаштириш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таклифларини келишиш учун Агентликка тақдим этиш;

ваколатли органлар билан озуқабоп экинлар этиширилишини мониторинг қилиш;

фермер хўжаликлари кесимида келгуси йил учун озуқабоп экинларини жойлаштириш режасини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

16. Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

чорвачилик тармоқларини ривожлантириш соҳасига оид Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Кўмита ва Агентликнинг қарорлари, буйруқлари ва топшириқлари ижросини таъминлайди;

Кўмита ва Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган чорвачилик ва наслчилик соҳасига оид хужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ҳамда уларнинг иқтисодий ва хуқуқий экспертиздан ўтказилишида иштирок этади;

Агентлик фаолияти, шу жумладан, қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини хуқуқий таъминланишида иштирок этади;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ваколатига тегишли оператив, ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш — хўжалик масалалари ва бошқа масалаларини ҳал этади;

қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширади.

17. Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек Кўмитанинг худудий ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ва муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

**4-боб. Агентлик ва унинг Ҳудудий марказлар ҳамда идоравий мансуб ташкилотларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

**1-§. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

18. Агентлик ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа ташкилотлардан чорвачилик ва наслчилик соҳасига оид масалалар бўйича маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олиш;

юридик ва жисмоний шахсларга пуллик наслчилик-селекция ва бошқа хизматлар кўрсатиш тартиби, хизмат турлари ва тарифларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Кўмитага тақдим этиш;

Кўмитанинг ҳайъат мажлисига чорвачилик ва наслчиликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни киритиш;

чорвачилик ва наслчилик соҳасига оид хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш, шунингдек ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда Кўмитага киритиш;

Агентлик марказий аппаратининг даромадлар ва харажатлар сметаси, штат жадвалларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Агентлик ходимларини иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва шахсий устамалар ҳамда меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа рағбатлантиришларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

Кўмитага келиб тушаётган норматив-ҳуқуқий хужжатлар билан танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш;

Кўмита, шунингдек идоравий мансуб ташкилотларининг мансабдор шахсларидан Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган хужжатлар ва маълумотларни олиш;

раҳбарият томонидан чакириладиган масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

юридик ва жисмоний шахслардан қишлоқ хўжалиги ҳайvonларини шу худудга районлаштирилган зот бўйича сунъий уруғлантириш, чорва озуқаси

етиштириш учун ажратилган ер майдонларида озуқабоп экинларни жойлаштириш ва тўлиқ экилишини талаб қилиш;

ҳайвонларнинг идентификация қилиниши ва ветеринария паспортларининг юритилишини мониторинг қилиш;

озуқабоп экинларни етиштириш учун ажратилган ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ёки белгиланган экинлардан бошқа турдаги экинларни жойлаштириш ҳолатлари кузатилганда, ушбу ҳолатларни бартараф этиш бўйича ваколатли орган ва муассасаларга тақдимнома киритиш;

Агентлик қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**19. Агентлик:**

ушбу Низом ва бошқа Қонун хужжатлари билан ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши;

Агентлика, шунингдек тизим ташкилотларида қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида раҳбариятга хабар берилиши;

ходимларнинг белгиланган тартибда ва муддатларда малака оширишини таъминлаши шарт.

Агентлик ходимлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**20. Агентлик:**

Агентликка юкланган вазифа ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек, чорвачилик ва наслчилик соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш;

Агентлик фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларига эришилишини сўзсиз таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилаётган норматив — ҳукукий хужжатлар лойиҳалари ва бошқа хужжатлар, шунингдек, агентлик томонидан қабул қилинаётган буйруқларини сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

чорвачилик тармоқларини ривожлантириш соҳасига оид дастурлар, чора-адбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий хужжатларни самарали амалга ошириш, шунингдек, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ҳудудларни ижтимоий-қтисодий ривожлантириш ва муаммоларнинг ечилиши;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун масъул ҳисобланади.

21. Агентлик ходими ўз мажбуриятлари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## **2-§. Агентлик марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва мажбурияти**

22. Агентликнинг марказий аппарати ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

Худудий марказлар ва унинг идоравий мансуб ташкилотларидан Қўмитанинг ва Агентликнинг марказий аппаратида кўриб чиқиладиган, таҳлил қилиш ва ишлаш учун зарур бўлган материаллар ҳамда маълумотларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ва бошқа хужжатларни сўраб олиш;

Қўмита ва Агентликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарур бўлганда Худудий марказлар ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакилларини жалб қилиш, ушбу мақсадлар учун эксперт ва ишчи гурӯхларни ташкил этиш;

Худудий марказлар ва унинг идоравий мансуб ташкилотларидан улар киритган норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини қайта ишлаб чиқишини талаб қилиш, зарур бўлганда уларни қайта кўриб чиқиш учун юбориш;

Худудий марказлар ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштироқида йиғилишлар ўтказиш;

тезкор ҳал этилиши лозим бўлган ва Агентликка юкланган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича Худудий марказлар ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларига белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

Худудий марказлар ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг қабул қилинган қонун хужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, Қўмита ҳамда Агентлик ва улар раҳбариятининг хужжатлари ва топшириқлари бажарилишига оид фаолиятини ўрганиш ва белгиланган тартибда назорат қилиш;

Агентлик марказий аппарати чорвачилик ва наслчиликни ривожлантиришнинг узоқ муддатли дастурларини, ҳудудий комплекс схемаларини, қонун хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш учун илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ташкилотлари, олий таълим муассасалари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда жалб этиш;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан қабул қилинган қарорларни бекор қилиш, тұхтатиб туриш (тұлиқ ёки қисман) ёки уларни қонун хужжатларига мувофиқлаштириш тұғрисида қарор қабул қилиш;

чөрвачилик ва наслчилик соҳасида тегишли мінтақавий, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

Агентлик марказий аппарати қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 23. Агентлик марказий аппарати:

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда Агентликка юкландын вазифа ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Агентлик марказий аппарати бўлинмаларининг Агентлик фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларига эришишни таъминлашга доир ишини ташкил этиш;

Қўмита томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган чөрвачилик ва наслчилик соҳасига оид норматив-ҳукуқий хужжатлар лойиҳалари ва бошқа хужжатларни, шунингдек, Қўмита қабул қиласидан тегишли қарорларни сифатли тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда Қўмита раҳбариятига киритиш;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва соҳани, шунингдек, тегишли тармоқда худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича бошқа дастурий хужжатлар амалга оширилишини ташкил этиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун масъул ҳисобланади.

## **3-§. Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ҳукуклари ва жавобгарлиги**

24. Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар ўзларига юкландын вазифа ва функцияларни бажариш учун қуидаги ҳукуқларга эга:

ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

ўз ваколатлари доирасидаги масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

Худудий марказлар директорлари молия органлари билан келишган ҳолда ҳар йили наслчилик иши ва сунъий уруғлантиришни ташкил қилиш

учун Агентлик томонидан белгиланган миқдор ва намунавий шартнома шартлари асосида ишчиларни жалб қилиш;

чорвачилик тармоқларини ривожлантириш соҳасига оид қонун ҳужжатларида кўрсатилган қонун талаблари бузилишларини бартараф этиш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатмалар бериш.

25. Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар:

Агентликнинг туман (шаҳар) вакиллари билан биргаликда уларга юкланган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришилишини таъминлаш;

Агентликка киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

туманлар (шаҳарлар)да аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чукур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда чорвачилик ва наслчиликни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда соҳани ривожлантириш, юзага келадиган муаммоларнинг ҳал этилиши бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари»ни самарали амалга ошириш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун масъул ҳисобланади.

## **5-боб. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

26. Қуйидагилар Агентлик бош директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва Қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қўмита қарорлари, буйруқлари ва топшириқлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан Агентликка юкланган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентликнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар,

комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар бажарилишининг танқидий ва чукур таҳлилини олиб бориш;

Агентлик, шунингдек, унинг Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринbosарлари топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз ўринbosарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Агентликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ўз ўринbosарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг Агентлик фаолиятининг алоҳида қисмларига раҳбарлик қилиши учун уларнинг шахсий масъулияти даражаларини белгилаш;

Агентлик фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, агентлик ва ўз ўринbosарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ҳамда мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон **қарорига** ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон **қарорига** мувофиқ Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Агентлик ходимларини тизимли қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

Агентлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Агентликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Агентликка ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг касбий маҳорати, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юқори даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

фаолият соҳаси масалалари бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, уларнинг «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон **Фармони** билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартағи 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **Регламенти** талаблариға қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида Кўмитага киритилишини ташкил этиш;

«Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаси фаолиятининг Намунавий **регламентига** мувофиқ соҳага оид қўмитанинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятида иштирок этиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқлар, кўрсатмалар чиқариш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта хуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон **Фармони** билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартағи 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **Регламентидабелгиланган** муддатларда Кўмитага келишиш (виза қўйиш) учун тақдим этиш;

Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиши тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва «Мансабдор шахсларнинг

хориж мамлакатларига хизмат сафарлари самараси учун шахсий масъулиятларини янада ошириш ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш чоралари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равища амалга ошириш ва ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўз ўринбосарлари, Ҳудудий марказлар ва унинг идоравий мансуб ташкилот раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равища танқидий таҳлил қилиш, Агентликнинг Ҳайъат мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 марта даги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлашни назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги [Конуни](#) талабларига мувофиқ, Агентлик тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниqlаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

Агентлик ва унинг Ҳудудий марказлар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан, «ягона дарча» принципини жорий этиш орқали давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Конунини](#) амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонуни**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий **низомга** мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулокот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Агентлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси судларида, шунингдек, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакат вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Агентлик номидан иштирок этиш;

Агентликнинг Ҳайъат мажлисларида раислик қилиш;

штат бирликларининг белгиланган сони асосида Агентлик марказий аппаратининг, шунингдек, Ҳудудий марказларнинг ва идоравий мансуб ташкилотлар тузилмасини, штатлар жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисида низомларни, шунингдек, Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари тўғрисидаги низомларни (уставларни) тасдиқлаш;

Агентлик марказий аппарати ходимлари, Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

Агентлик, Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларининг мансабдор шахслари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар қабул қилиш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

чорвачилик ва наслчилик соҳасида кадрларни тайёрлаш, ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бўйича чоралар кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар йили наслчилик иши ва сунъий уруғлантиришни ташкил қилиш учун шартнома асосида ишчиларни жалб қилиш;

чорвачилик ва наслчилик соҳасидаги ходимларни ва мутахассисларни уларнинг қўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун белгиланган тартибда таклифлар киритишни таъминлаш ва тавсиялар бериш;

бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш ва Агентлик тизимининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни кўриш.

27. Куйидагилар Агентлик бош директори ўринbosарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунлари, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Агентлик бош директори вақтинча бўлмагандага тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Агентликнинг ўзи назорат қиласидаги таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, улар ходимлари ўргасида вазифаларни тақсимлаш;

Агентлик фаолиятининг ўзи назорат қиласидаги йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентликнинг фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чукур таҳлил қилиб бориш;

ўзи назорат қиласидаги таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисботларини мунтазам равишда эшишиб бориш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

ўзи назорат қиласидаги таркибий бўлинмалар раҳбарларининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ҳамда Қўмита қарор, буйруқ ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ўзи назорат қиласидаги

таркибий бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ таркибий бўлинма раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Кўмита ва Агентликнинг Ҳайъати қарорлари, Кўмита раисининг ва Агентлик бош директорининг буйруқ ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи назорат қиласидан таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича агентлик бош директорига таклифлар киритиш, уларнинг касбий маҳорати, ўз ишини билиши, амалий тажрибаси, юқори даражада ишлаш хусусиятлари ва маънавий-ахлоқий фазилатлари кафолатланганлигини таъминлаш, ходимларнинг касбий малакасини ошириш, ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмаларда ходимлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

ўзи назорат қиласидан таркибий бўлинмалар томонидан норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳаларининг тўлиқ ва сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Агентликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини бош директори томонидан кўриб чиқилиши ва имзоланиши учун киритиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Ғармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 марта 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишида иштирок этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳаларини тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқиш, уларни пухта хукуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертиздан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 марта ПҚ-2142-сон ва

«Мансабдор шахсларнинг хориж мамлакатларига хизмат сафарлари самараси учун шахсий масъулиятларини янада ошириш ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикаси ташкил этиш чоралари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равища амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўзи назорат қиласидиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини муентазам равища танқидий таҳлил қилиш, Агентликнинг Ҳайъат мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

Агентлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий чоралар кўриш, чорвачилик ва наслчилик соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ўзи назорат қиласидиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида қолишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Агентлик бош директорига таклифлар киритиш, уларнинг функционал мажбуриятлар ва юкландиган вазифаларни бажариши учун шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, ўзи назорат қиласидиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги **Қонуни** талабларига мувофиқ, Агентлик тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, хуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонуни**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат

иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий [низомга](#) мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очик мулокот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равища ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4904-сон [Фармонига](#) мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

28. Куйидагилар Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва Қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хуқукий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

тегишли бўлинма фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга ошириш, ушбу бўлинмага Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони ва қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Кўмита ва Агентлик ҳужжатлари билан юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Агентлик бош директорининг назорат қилувчи ўринбосарларига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Агентликнинг таркибий бўлинмаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси

Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ таркибий бўлинма ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Кўмита ва Агентлик Ҳайъати қарорлари, буйруқлари ва топшириқларини ҳамда уларнинг ўринbosарларининг топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини, уларнинг тасдиқлаш учун киритилишини, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Ҳудудий марказлар ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишида Агентлик бош директорига таклифлар киритиш, уларнинг касбий маҳорати, ўз ишини билиши, амалий тажрибаси, юқори даражада ишлаш хусусиятлари ва маънавий-ахлоқий фазилатлари кафолатланганлигини таъминлаш, ходимларнинг касбий малакасини ошириш, таркибий бўлинмаларда ходимлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

таркибий бўлинмалар томонидан норматив-ҳукуқий ҳужжат лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш, таркибий бўлинмаларда тайёрланган ҳужжат лойиҳаларини Агентлик раҳбарлари томонидан кўриб чиқилиши ва имзоланиши учун киритиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Ғармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартағи 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равиша ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, норматив-ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

аппаратида кўриб чиқилишида Кўмита раиси ва унинг ўринбосарлари топшириғига асосан иштирок этиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Мансабдор шахсларнинг хориж мамлакатларига хизмат сафарлари самараси учун шахсий масъулиятларини янада ошириш ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш чоралари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равища амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлиги хамда натижадорлигини мунтазам равища танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг Одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида Агентлик томонидан тасдиқланган Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, таркибий бўлинма ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ, таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, хуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш;

давлат хизматлари кўрсатишининг самараси ва сифатини, улардан фойдаланиш имкониятини ошириш бўйича Агентлик раҳбариятига таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомга мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равища ўтказиш,

шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4904-сон [Фармонига](#) мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

29. Қуидагилар Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хукукий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Кўмита ва Агентликнинг ҳужжатлари билан ушбу бўлинмаларга юкланган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ҳудудий марказлар туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари ҳамда вакилликларини чорвачилик ва наслчилик соҳасидаги фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Кўмита ва Агентликнинг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчilarининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон [карорига](#) ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон [карорига](#) мувофиқ Ҳудудий

марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Қўмита ва Агентлик Ҳайъати қарорлари, Қўмита раиси, Агентлик бош директори ва унинг ўринбосарларининг буйруқ ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Агентлик фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятининг алоҳида қисмларига раҳбарлик қилиши учун уларнинг шахсий масъулияти даражаларини белгилаш;

Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ўз ўринбосарлари ва таркибий бўлинмаларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларда кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шартшароитлар яратиш ва кадрлар захирасини шакллантириш;

юқори ташкилотларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларига ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юқори даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг Одоб-ахлоқ намунавий **коидалари** асосида тасдиқланган марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги **Қонуни** талабларига мувофиқ, Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, хукуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Агентлик бош директорининг назорат қилувчи ўринbosарларига киритиш;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини мунтазам равища танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятига оид масалалар юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси ва сифатини, улардан фойдаланиш имкониятини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонуни** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий **низомга** мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очик мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равища ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4904-сон **Фармонига** мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини мукофотлаш, лавозим маошига устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни тақдирлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, ходимларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни Агентликка киритиш;

давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, судларда, бошқа орган ва ташкилотларда Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари манфаатларини ифодалаш.

## **6-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги**

30. Агентлик бош директори:

Агентликка юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг **20-бандида** назарда тутилган Агентликнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг **26-бандида** кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

31. Агентлик бош директорининг ўринбосарлари:

Агентликнинг ўзи назорат қиласидиган таркибий бўлинмаларида Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг **20-бандида** назарда тутилган Агентликнинг ўзлари назорат қиласидиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг **27-бандида** кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

32. Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

ушбу Низомнинг **23-бандида** назарда тутилган Агентлик марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг **28-бандида** кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

33. Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари:

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг **25-бандида** назарда тутилган Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг **29-бандида** кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## **7-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

## **1-§. Агентлик раҳбарияти**

34. Агентликка Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бош директор бошчилик қилади.

35. Агентлик бош директори мақоми, моддий, майший, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринbosарига тенглаштирилади.

36. Агентлик бош директорининг ўринbosарлари Кўмита раисининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан лавозимида тайинланади ва лавозимида озод этилади;

37. Агентлик бош директори бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига биноан унинг ўринbosарлари томонидан бажарилади.

38. Қуйидагилар:

Худудий марказ директорлари Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси, вилоятлар чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошликлари тақдимида биноан Агентлик бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимида озод этилади;

Худудий марказ директорлари мақоми бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси ҳамда вилоятлар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари бошлиги ўринbosарига тенглаштирилади.

Худудий марказ директор ўринbosарлари Агентлик бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимида озод этилади;

«O’znaSlchilik» давлат корхонаси директори Агентлик бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимида озод этилади;

«Ўззооветтаъминотхизмат» давлат унитар корхонаси директори Агентлик бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимида озод этилади.

## **2-§. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унинг**

### **Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби**

39. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унинг Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

40. Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилиб:

топшириқларни Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказадилар ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиласидилар;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларига таркибий бўлинмаларининг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборадилар ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қиласидилар;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти амалиётини текширадилар ва ўрганадилар, натижаларни умумлаштирадилар, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар ва қабул қиласидилар;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисбот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этадилар;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари иш режаларини таҳлил қиласидилар, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни кўрадилар;

Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқадилар;

норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари иштирокини ташкил этадилар, чорвачилик ва наслчилик соҳасидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқадилар.

41. Худудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қиласидилар, шу жумладан:

Агентлик раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида ахборот берадилар;

фаолиятнинг белгиланган соҳасида қонун хужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида Агентлик марказий аппаратига ахборот тақдим этадилар;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот берадилар;

Агентликнинг марказий аппаратига ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисботларни белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этадилар;

Агентликнинг марказий аппаратига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини, шу жумладан, аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган таклифларни юборадилар;

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш натижалари тўғрисида ахборот берадилар;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида ахборот берадилар.

42. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда унинг Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Агентлик бош директори топшириғига биноан унинг тегишли ўринbosарлари томонидан кўриб чиқилади. Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, улар бўйича қарор бевосита Агентлик бош директори томонидан қабул қилинади.

### **3-§. Агентликнинг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби**

43. Агентлик ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

44. Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар тегишли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ўзаро узвий ҳамкорлик қиласдилар.

### **4-§. Агентликнинг ҳайъати**

45. Агентликда бош директор (ҳайъат раиси), унинг ўринbosарлари (лавозимиға кўра), Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, асосий фаолият йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар раҳбарларидан иборат таркибдаги ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Агентлик бош директори тақдимномасига биноан Қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

46. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

ушбу Низомда белгиланган Агентлик фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

қонун хужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида ҳамда Қўмита томонидан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Агентлик тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чораларни қабул қилиш, таркибий ва Ҳудудий марказлар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини тизимли асосда эшлишини ташкил этиш;

ҳар чорақда ва тизимли тарзда Агентлик фаолияти доирасида ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилиши натижадорлигини кўриб чиқиш;

Агентлик фаолияти доирасидаги долзарб масалаларни жойларда муҳокама қилишни таъминлаган ҳолда Ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлисларини ўтказиши ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Агентлик марказий аппарати ва унинг тизимиға кирувчи лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Қўмитага киритиш;

Агентлик номенклатурасига кирувчи лавозимларга ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Қўмита раисининг қарор ва топшириқларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш.

Шунингдек, Ҳайъат Агентлик ваколатларига кирувчи бошқа масалаларни кўриб чиқишига ҳақлидир.

47. Ҳайъат мажлисига Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилиниши мумкин.

48. Ҳайъат мажлисида унинг таркибининг ярмидан ортиғи иштирок этса Ҳайъат мажлиси қонуний ўтказилган деб ҳисбланади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

49. Ҳайъат қарорлари Агентлик бош директорининг буйруғи билан амалга оширилади.

50. Агентлик бош директори ва Ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, бош директор Қўмита раисига юзага келган келишмовчиликлар ҳақида хабар берган ҳолда, мустақил равища қарор қабул қиласи. Бундай вазиятда Ҳайъат аъзолари Қўмита раисига ўз фикрларини билдиришлари мумкин.

51. Ҳайъатнинг фаолият юритиш тартиби Ҳайъат томонидан тасдиқланадиган унинг регламенти билан белгиланади.

#### **8-боб. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлари**

52. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳолаб борилади.

53. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Агентлик бош директори томонидан тасдиқланадиган Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторларига асосланади.

54. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш натижалари асосида:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жазолаш;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

#### **9-боб. Агентликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш**

55. Агентлик марказий аппарати, Ҳудудий марказлар ва идоравий мансуб ташкилотларини моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, грантлар, ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси, пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

56. Агентлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, иш ҳақига туман (худудий) коэффициентлар, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа рағбатлантирувчи тўловлардан иборат бўлади.

57. Агентлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда соҳа ходимларининг ҳаётини суғурталаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширади.

Агентлик ходимлари лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган қўшимча ҳақлар, устамалар ва рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган бошқа тўловлар белгиланган тартибга мувофиқ тўланади.

#### **10-боб. Яқуний қоида**

58. Агентлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тутатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июнданги 532-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни  
қайта тайёрлаш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби  
тўғрисидаги**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ветеринария хизмати тизимиға киравчи ташкилотларнинг раҳбар ва мутахассислари (кейинги ўринларда ветеринария хизмати мутахассислари деб аталади) малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш (кейинги ўринларда малакасини ошириш деб аталади) ва уларга малака тоифалари бериш тартибини белгилайди.

2. Давлат ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш бўйича мутахассисликлар ва лавозимлар номенклатураси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Кўмита деб аталади) томонидан тасдиқланади.

3. Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда Малака ошириш маркази деб аталади) ветеринария хизмати мутахассислари малакасини ошириш бўйича таълим жараёнини такомиллаштиришнинг илмий-методик асосларини, ўқув-методик ҳужжатларини ишлаб чиқиши ташкил этади, механизмлари ва методларини белгилайди.

Ветеринария хизмати мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш (кейинги ўринларда малака ошириш деб аталади) Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги Малака ошириш маркази томонидан, тўлов-контракт асосида, ветеринария хизмати тизимиға киравчи ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва ветеринария мутахассисларининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш тизимининг ташкилий тузилмаси ушбу Низомга **1-иловада** келтирилган.

4. Ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш курсларида ўқитиш ишлаб чиқаришдан ажралган, асосий иш жойи бўйича ўртacha иш ҳақи ва эгаллаб турган лавозими сақланган ҳолда амалга оширилади.

5. Ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш ушбу Низомнинг **2-иловасидаги** схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Малака оширишнинг мақсади ва вазифалари**

6. Ветеринария хизмати мутахассисларининг ветеринария соҳасидаги халқаро тажрибани ўзлаштиришини, зарур касбий билим ва қўникмаларни янгилашини, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ уларнинг касбий лаёқати ва маҳоратининг доимий ривожланишини таъминлаш малака оширишнинг мақсади ҳисобланади.

7. Қуйидагилар малака оширишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:  
касбий лаёқат ва маҳоратни янада ошириш;

ветеринария хизмати мутахассисларининг мустақил фикрлаш қўникмаларини ривожлантириш, шунингдек уларнинг билимларини янада такомиллаштириш;

ахборот технологиялари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан ишда фойдаланишининг амалий қўникмаларини шакллантириш;

ветеринария хизмати мутахассисларига ҳайвонларни даволаш ва профилактика қилишининг замонавий методларини, шунингдек ветеринария-санитария тадбирларини ўтказиша қўлланадиган технологиялар хусусиятларини ўргатиш;

ветеринария хизмати мутахассисларига ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича назарий билимлар бериш.

### **3-боб. Малака ошириш тизимини бошқариш**

8. Қўмита:

малака ошириш тизимига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш худудий бошқармаларидан (кейинги ўринларда худудий бошқарма деб аталади) олинган маълумотлар асосида ҳар йили декабрь ойининг биринчи ўн кунлигига келгуси йилда малака оширишга юборилаётган ветеринария хизмати мутахассисларининг ҳар йилги рўйхатини шакллантиради ҳамда рўйхатга мувофиқ декабрь ойининг учинчи ўн кунлигига малака ошириш курсларидан ўтишнинг ҳар йилги жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлади;

малака оширишнинг тўлиқ ҳамда сифатли ўтказилиши юзасидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади;

ветеринария хизмати мутахассислари малакасини ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлади;

малака ошириш бўйича Малака ошириш марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради.

9. Қўмита, худудий бошқармалар, тасарруфида ветеринария хизмати мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар, нодавлат ветеринария

ташкилотлари ва жисмоний шахслар ветеринария хизмати мутахассисларини ўқитишнинг буюртмачиси ҳисобланади.

Буюртмачилар белгиланган тартибда тасдиқланган калькуляция асосида Малака ошириш маркази билан ветеринария хизмати мутахассислари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш юзасидан шартномалар тузади.

#### 10. Малака ошириш маркази:

малака оширишнинг илмий-услубий асосларини, ўкув-услубий ҳужжатларини, ягона таълим механизмини ишлаб чиқиш ишларини ташкил қиласиди;

ветеринария соҳасига оид фанларнинг умумкасбий ва маҳсус блоклари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил этади ҳамда улар бўйича замонавий методик, ахборот-маълумотнома базасини яратади;

таълимнинг ишлаб чиқариш билан самарали ўзаро ҳамкорлигини, ветеринария ва чорвачилик соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига кўчма машғулотлар, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналарга ташрифлар жорий этилишини таъминлайди;

ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот тузилмаларининг моддий-техник базасидан фойдаланган ҳолда машғулотлар ўтказиш учун зарур ўкув ва моддий-техник базасини яратади;

ветеринария ва чорвачилик соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг инновацион илмий ютуқларни, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологияларнинг истиқболда ривожланишини ҳисобга олувчи дастурларини ишлаб чиқади ва жорий этади.

миңтақалар учун хос бўлган ҳайвонлар касалликларини ҳисобга олган ҳолда малака ошириш курсларининг ўкув режаси ва дастурларини шакллантиради;

малака ошириш курсларида таълим жараёнини такомиллаштириш механизmlарини ва методларини белгилайди;

ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги илғор хорижий тажрибани умумлаштирган ҳолда даволаш ва диагностиканинг замонавий, самарали усуллари ва методларининг, янги технологияларнинг ўкув жараёнига жорий қилинишини таъминлайди;

тасдиқланган ўкув режалари ва дастурлари асосида малака ошириш курсларини ташкил қиласиди;

Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари,

ветеринария хизмати мутахассислари, амалиётчи мутахассисларнинг малака ошириш курсларида машғулотларни ўтказишга қонунчиликда белгиланган тартибда, меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари билан жалб этилишини тъминлайди;

малака ошириш бўйича хорижий тажрибани ва илгор таълим муассасалари ютуқларини таҳлил қиласида умумлаштиради;

хорижий мутахассисларни шартнома асосида, шунингдек соҳа мутахассислари, маҳаллий йирик корхоналар раҳбарларини таклиф этган ҳолда, энг аввало, юқори ва инновация технологиялари соҳасида ветеринария ва чорвачилик соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим дастурларини амалга оширади;

тузилган шартномалар асосида номзодларни тингловчиликка қабул қиласида, қоида тариқасида, гуруҳлар 20 — 24 нафар тингловчилардан иборат таркибда шакллантирилади;

малака ошириш курсларининг зарур даражада ташкил этилиши ва ўтказилиши учун масъул ҳисобланади.

#### **11. Самарқанд ветеринария медицинаси институти:**

малака ошириш йўналишлари бўйича зарур ахборот-маълумотлар базасини шакллантиради, малака ошириш жараёни учун замонавий инновация ва ахборот-коммуникация технологиялари ишлаб чиқилишини ва уларнинг малака ошириш жараёнига жорий этилишини ташкил қиласида;

ветеринария хизмати мутахассисларига малака ошириш даврида Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ётоқхоналарида яшаш жойи бериш чораларини кўради;

малака ошириш натижаларининг ички мониторингини юритади.

**12. Кўмита тизимиға киравчи илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ҳамда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, йилқичилик ва бошқа тармоқ ҳўжаликлари:**

малака ошириш амалиётини ўташга кўмаклашадилар;

илмий билимлар ва ветеринария амалиётининг ўзаро боғлиқлигини тъминлайдилар.

#### **4-боб. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар**

**13. Таълим жараёнининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар**  
Ўзбекистон Республикасининг «[Таълим тўғрисида](#)» ва «[Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида](#)»ги қонунларига мувофиқ белгиланади.

**14. Малака ошириш тизимида мутахассислар йўналишлари бўйича ўкув режалари ва дастурлари Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг етакчи мутахассислари ва профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан, илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялар, чорвачилик**

хўжаликларининг етакчи олимлари ва мутахассисларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда улар таълим жараёнини услугубий таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

15. Ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишида соатларнинг модуллар бўйича 10 фоизгача ўзгартирилишига рухсат этилади.

16. Ўқув дастури мазмунига қўйиладиган талаблар ветеринария хизмати мутахассисларининг касбий тавсифномасига қатъий мувофиқ равишда уларнинг зарур билим ва кўникмаларни эгаллашини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ўқув режалари ва дастурларида ветеринария фани, техникаси, технологиялари соҳасидаги ютуқлар акс эттирилиши, шунингдек улар ветеринария таълим тизимида ягона узвийлик ва изчилликни таъминлаш талабларига жавоб бериши зарур.

17. Малака ошириш амалиёти ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ илмий-тадқиқот институтларида, ветеринария тизимига кирувчи ташкилотларда, етакчи чорвачилик хўжаликларида ўтказилади, унда даволаш-диагностика усулларини аниқлаш бўйича билимларни ўзлаштириш ва ветеринария хизмати мутахассисларини ветеринария соҳасидаги фан ва технологияларнинг янги ютуқлари билан таништириш кўзда тутилиши керак.

18. Марказнинг профессор-ўқитувчилар таркибига қўйидаги талаблар қўйилади:

ветеринария мутахассисларининг малакасини оширишга қўйиладиган талаблар асосида тингловчилар билан ўқув машғулотларини олиб бориш, назорат ва тингловчилар билимларини холисона баҳолаш кўникмаларининг мавжудлиги;

юксак индивидуал сифатларнинг (талабчанлик, холисоналик, батартиблик, ҳаққонийлик, хушмуомалаликнинг) мавжудлиги;

таълим беришда (ўқитишида) касбий маҳорат ва эрудициянинг мавжудлиги;

таълим жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлаш, тингловчиларнинг ташаббускорлигини, ижодий маҳоратини ва қобилиятларини ривожлантириш кўникмаларининг мавжудлиги.

## **5-боб. Малака ошириш муддатлари**

19. Малака ошириш курсларининг давомийлиги қўйидагicha бўлади:  
раҳбарлар учун — 1 ҳафтадан 2 ҳафта гача (36 — 72 соат);  
мутахассислар учун — камида 4 ҳафта (144 соат).

20. Раҳбарларни қисқа муддатли (36 — 72 соат) ўқитиш курслари уларга ветеринария соҳасини бошқаришнинг замонавий усулларини ўргатиш мақсадида ўтказилади.

21. Малака ошириш курсларига ветеринария хизмати тизимида камида 3 йил иш стажига эга, бакалавр, магистр даражасига ёки ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган ветеринария хизмати мутахассислари юборилади.

22. Ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш тизимида ҳафталик ўқиш юкламаси кўпи билан 36 соатни ташкил қиласади.

**22. Ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш тизимида ҳафталик ўқиш юкламаси кўпи билан 36 соатни ташкил қиласади.**

23. Ветеринария хизмати мутахассисларини малака ошириш ўқув курслари якуни бўйича аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш уларни ўз малакаси ва касбий даражасини муентазам равишда ошириб боришга йўналтириш ва моддий рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади.

24. Малака ошириш курсларидаги ўқишни муваффақиятли тамомлаган ветеринария хизмати мутахассисларига белгиланган тартибда малака ошириш курсларини ўтаганлиги тўғрисидаги сертификат ҳамда иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари берилади.

25. Ветеринария хизмати мутахассисларига малака тоифаси 5 йил муддатга берилади. Ушбу муддат ўтгандан кейин ветеринария хизмати мутахассислари ўз малака тоифасини ошириши ёки малака тоифасини ҳимоя қилиши шарт.

26. Иккинчи малака тоифасини олиш учун ветеринария хизмати мутахассислари қуидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

а) даволаш, профилактика ишлари ва диагностика усулларини эркин қўллашдаги билимлари, маҳсус анжомлардан фойдаланиш кўникмалари даражаси;

б) малака ошириш курсларидаги ўқиш натижалари.

27. Биринчи малака тоифасини олиш учун ветеринария хизмати мутахассислари қуидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

а) ветеринария хизмати раҳбарияти томонидан ветеринария хизмати мутахассиси учун зарур бўлган билим ва кўникмалар даражаси, ўз фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш маҳорати, шунингдек илмий ва назарий билимлари даражаси тўғрисида берилган ижобий фикрноманинг мавжудлиги;

б) иккинчи малака тоифасига эгалиги тўғрисидаги сертификатнинг мавжудлиги ва ветеринария хизмати мутахассислигига камида 3 йиллик иш тажрибаси бўлиши (иккинчи малака тоифаси берилган санадан бошлаб);

в) малака ошириш курсларидаги ўқиш натижалари.

28. Олий малака тоифасини олиш учун ветеринария хизмати мутахассислари қуидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

а) ветеринария хизмати раҳбарияти томонидан ветеринария хизмати мутахассисининг ветеринария соҳасидаги илмий ютуқларни умумлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш кўникмалари, шунингдек пайдо бўладиган касбий тармоқ масалаларини ҳал этишга ижодий ёндашиш қобилияти даражаси тўғрисида берилган ижобий фикрноманинг мавжудлиги;

б) биринчи малака тоифасига эгалиги тўғрисидаги сертификатнинг мавжудлиги ва ветеринария хизмати мутахассислигига камида 3 йиллик иш тажрибаси бўлиши (биринчи малака тоифаси берилган санадан бошлаб);

в) малака ошириш курсларидағи ўқиш натижалари.

29. Илмий даражага эга бўлган ветеринария мутахассисларига олий малака тоифаси берилади. Бунда уларга ушбу Низом 28-бандининг «**б**» ва «**в**» **кичик бандлари** талаблари татбиқ этилмайди.

30. Ветеринария соҳасида 2016 йилгача, яъни малака талаблари жорий этилгунга қадар узлуксиз 5 йилдан кўп иш тажрибасига эга бўлган ветеринария мутахассислари биринчи малака тоифасига ҳамда ветеринария соҳасида 10 йилдан кўп иш тажрибасига эга бўлган малакали ветеринария мутахассислари олий малака тоифасига даъвогар бўлишлари мумкин.

31. Тегишли малака тоифаларига эга бўлган ветеринария хизмати, шу жумладан бошқарув ходимларининг ойлик иш ҳақларига энг кам иш ҳақига нисбатан қуидагича устамалар белгиланади:

иккинчи тоифали — 25 фоиз;

биринчи тоифали — 60 фоиз;

олий тоифали — 100 фоиз.

### **7-боб. Малака ошириш сифатини назорат қилиш**

32. Ветеринария хизмати мутахассисларининг малака ошириш сифатини баҳолаш ва назорат қилиш қуидагиларни ўз ичига олади:

а) ички назорат қуидагилардан иборат бўлади:

базавий билимларини баҳолаш;

янги билимлар, кўникмалар ва касбий маҳоратини жорий назорат қилиш;

мутахассислик бўйича аттестация натижалари юзасидан якуний назорат;

б) Кўмита, шунингдек ветеринария хизмати тизимиға кирувчи бошқа ташкилотлар томонидан ташқи назорат.

33. Малака ошириш курсларининг 30 академик соатдан кўп машғулотларида узрсиз сабаблар билан қатнашмаган, шунингдек белгиланган юкламани бажармаган ва малака ошириш курси дастурини ўзлаштиргмаган тингловчилар белгиланган тартибда тингловчилар сафидан чиқарилади.

34. Якуний назоратни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича аттестация комиссияси (кейинги ўринларда Аттестация комиссияси деб аталади) таркиби

Кўмита билан олдиндан келишган ҳолда Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори томонидан тасдиқланади.

35. Ветеринария ходимларини малака тоифаси олиш учун аттестация холислик ва ошкоралик принциплари асосида ўтказилиб, аттестация натижаларига кўра малака тоифалари берилади.

Аттестация комиссияси таркиби Кўмита билан келишилган ҳолда камида етти нафар аъзодан, шу жумладан Аттестация комиссияси раиси, раис ўринbosари ва котибидан иборат таркибда Институт ректорининг буйруғи билан ташкил этилади.

Аттестация комиссияси таркиби ҳар йили камида йигирма фоизи янгилangan ҳолда қайта тасдиқланади.

36. Аттестация комиссияси:

аттестациядан ўтказиладиган талабгор хақида қисқача ахборотни тинглайди;

аттестациядан ўтадиган талабгорга саволлар беради, унинг жавоблари натижалари бўйича очиқ овоз беришни ўтказади;

аттестация натижаси бўйича талабгорга баҳо беради;

аттестациядан ўтган талабгор фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар беради;

аттестация саволларини тузади ва уларни янгилаб боради.

Аттестация комиссияси йиғилиши унинг ишида аттестация комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Суҳбат жараёни видеотасвирга олинади ва берилган саволлар ва жавоблар маҳсус (саҳифаланган, тикилган ва муҳрланган) дафтарда қайд этилади.

Аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари Кўмита томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

37. Малака тоифаси бериш бўйича аттестация натижалари Аттестация комиссияси мажлисида эълон қилинади ва Аттестация комиссиясининг протоколи (баёни) тарзида расмийлаштирилади ҳамда комиссия раиси, раис ўринbosари ва котиб томонидан имзоланади.

38. Тингловчилар аттестацияга узрли сабабга (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, ветеринария хизмати раҳбарларининг асосли маълумотномаси) кўра келмаган бўлса, уларнинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилади;

Тингловчилар узрсиз сабабга кўра аттестацияда иштирок этмаган бўлса аттестациядан ўтмаган ҳисобланади ҳамда унга нисбатан «Аттестациядан ўтмади, тегишли малака тоифаси туширилсин» қарори қабул қилинади.

**8-боб. Малака ошириш курсларини тамомлаганлик тўғрисида ҳужжат**

39. Ветеринария хизмати мутахассислари малака ошириш курсларидан ўтганлик тўғрисидаги сертификат (кейинги ўринларда сертификат деб аталади) мазкур Низомнинг **З-иловасидаги** шакл бўйича 5 йил муддатга берилади.

40. Сертификат қатъий ҳисобга олинадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисоб серияси, рақами ва ҳимоя элементига эга бўлиши керак.

Сертификат бланкалари Малака ошириш маркази буюртмасига мувофиқ, белгиланган тартибда тайёрланади.

Малака ошириш маркази сертификатларнинг ҳисобини юритиш, сақлаш ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун жавобгар ҳисобланади.

41. Малака ошириш курсларида ўқиши якунлари бўйича аттестациядан ўта олмаган ветеринария хизмати мутахассислари 6 ой мобайнида ўз маблағлари ҳисобига тўлов асосида ушбу курслардан ўтади.

Малака ошириш курсларидан такороран ўтган, лекин ўқиши якунлари бўйича аттестациядан ўта олмаган ветеринария хизмати мутахассисларининг малака тоифаси пасайтирилади ёки уларнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги тўғрисидаги масала белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

42. Аттестация комиссиясининг қароридан норози бўлган ветеринария хизмати мутахассислари натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб уч кун мобайнида апелляция комиссиясига ёзма равишда шикоят беришлари мумкин.

Апелляция комиссияси шикоятларни кўриб чиқиши учун институт ректори буйруғи билан ўқув йилининг биринчи ойида уч кишидан иборат таркибда ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркиби институтнинг раҳбар ходими, касаба уюшмаси вакили ва малака тоифасига эга бўлган бир нафар ветеринария мутахассисидан иборат бўлади.

Апелляция комиссияси таркибига аттестация комиссияси таркибидан аъзо киритилмайди.

Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга бўлади.

Шикоят рўйхатга олинган куннинг ўзида кўриб чиқилади.

Мурожаат этувчи апелляция комиссияси томонидан шикояти кўриб чиқилиши жараёнида иштирок этиши мумкин.

Апелляция комиссияси аттестация комиссияси қарорини ўзгартиришсиз қолдириш ёки уни бекор қилиб, қайта аттестация ташкил этиш ҳакида қарор чиқаради.

## **9-боб. Сертификат дубликатини бериш**

43. Йўқотиб қўйилган ёки фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган сертификатлар ўрнига унинг эгаси томонидан берилган ёзма аризага биноан уч кун мобайнида сертификатнинг дубликати берилади.

44. Сертификатнинг дубликатида унинг аввалги рўйхатдан ўтказиш рақами ва хужжатнинг амал қилиш муддати кўрсатилади, унга «Дубликат» сўзи ёзиб қўйилади.

### **10-боб. Якунловчи қоидалар**

45. Ушбу Низом талабларини бажариш муносабати билан пайдо бўладиган низолар белгиланган тартибда ҳал этилади.

46. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби

тўғрисида **НИЗОМГА**

**1-ИЛОВА**

### **Ветеринария хизмати мутахассислари малакасини ошириш тизимининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш  
давлат қўмитаси



Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Кадрларни қайта тайёрлаш ва  
уларнинг малакасини ошириш  
маркази

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат  
қўмитаси, республика таркибий бўлинмалари  
мутахассисларининг малакасини ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва  
вилоятлар ветеринария хизмати худудий ташкилотлари  
мутахассисларининг малакасини ошириш.

Ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни  
қайта тайёрлаш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби

**тўғрисида низомга  
2-ИЛОВА**

**Ветеринария хизмати мутахассислари малакасини ошириш курсларини  
ташкил этиш**

**СХЕМАСИ**

**Босқичлар**

**Тадбирлар**

**Масъуллар**

**Бажариш  
муддатлари**

|                 |   |  |  |
|-----------------|---|--|--|
| <b>1-босқич</b> | <p>Ветеринария хизматининг малака оширишга юбориладиган мутахассислари рўйхатини шакллантириш, ўкув режаси ва дастурини тасдиқлаш.</p>  | <p>Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, Самарқанд ветеринария медицинаси институти</p>                                       | <p>Ҳар йили 10 декабргача</p>  |
| <b>2-босқич</b> | <p><b>Ўкув жараёни:</b><br/>           2.1. Машғулотлар Самарқанд ветеринария медицинаси институтида ўтказилади.<br/>           2.2. Илмий-тадқиқот институтиларида, ветеринария хизмати тизимиға кирувчи ташкилотларда, етакчи чорвачилик хўжаликларида малака амалиётидан ўтиш.</p> | <p>2.1. Самарқанд ветеринария медицинаси институти<br/>           2.2. Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси</p> | <p>Ҳар йили май-июнь ойларида — раҳбарлар учун; тасдиқланган режа бўйича — ветеринария хизмати мутахассислари учун</p> |
| <b>3-босқич</b> | <p><b>Сертификат бериш:</b><br/>           3.1. Аттестация натижалари.<br/>           3.2. Ижобий баҳо олган ветеринария хизмати мутахассисларига аттестация натижалари</p>   | <p>Аттестация комиссияси</p>   | <p>Курс тугагандан сўнг</p>  |

бўйича ва Аттестация комиссиясининг қарорига биноан сертификат берилади. Аттестациядан ўтмаган ветеринария хизмати мутахассисларига сертификат берilmайди.

Ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида **НИЗОМГА**  
**З-ИЛОВА**

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА  
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**Ветеринария хизмати мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлик тўғрисида  
СЕРТИФИКАТ  
МО № 000000**

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (берилган жойи)

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми,  
отасининг исми)

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ дан 20 \_\_\_\_ йил  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ гача

\_\_\_\_\_ даги

(таълим муассасасининг номи)

\_\_\_\_\_ да  
(малака ошириш қайта тайёрлаш ва курсларининг номи)  
соатли курслардан  
муваффақиятли ўтди.

Аттестация комиссиясининг 20\_\_ йил  
«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
«\_\_\_\_» - сон қарорига биноан унга

(олий, биринчи, иккинчи)

малака тоифаси берилди.

Аттестация комиссиясининг  
раиси \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми,  
отасининг исми)

М.Ү.

20\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ гача  
амал қиласи.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги 532-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика аҳолисини қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида учрайдиган юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш чоғида ветеринария-санитария талабларига риоя этиш тўғрисида» 1995 йил 28 сентябрдаги 379-сон қарорида 1, 2-бандларнинг биринчи хатбошиларидағи ва 3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 22 июндаги 239-сон қарорининг 7-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори билан тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар **рўйхатидаги** (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) «Давлат ветеринария қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария бошқармалари» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари» сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарори билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 63-модда) 12-банднинг **ўн биринчи хатбошисидаги** «Давлат ветеринария қўмитасининг» сўzlари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 397-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2003 й., 17-18-сон, 147-модда) билан тасдиқланган Ветеринариядаги гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш **тартибида**:

а) 21-банднинг **иккинчи хатбошидаги** «Давлат ветеринария қўмитасига» сўzlари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг **номидаги** «Давлат ветеринария қўмитасига» сўzlари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига» сўzlари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 ноябрдаги 479-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисида **низомда**:

а) **2-бандда:**

**иккинчи хатбошидаги** «Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) «б» кичик банднинг **биринчи ва тўртинчи хатбошилариидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария бошқармалари» сўzlари «Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва

чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) қуидаги мазмундаги 20<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«Ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун лицензиатнинг лицензия олиши ва ундан фойдаланиши борасидаги лицензияловчи орган билан лицензия талабгори ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган лицензия шартномаси тузилади.

Лицензия шартномаси «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 19-моддасида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Лицензия шартномаси икки нусхада — лицензиат ҳамда лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади».

г) Ветеринария фаолиятини лицензиялаш **схемасида** «Тадбирлар» устуnidаги «Лицензияловчи орган экспертнинг комиссия хulosаси асосида» сўзлари «Лицензияловчи орган экспертининг хulosаси асосида» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 10-банди **бешинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шаклантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари **рўйхатида** (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 11-модда) «Масъул давлат органлари» устуни 84-позициясидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармаси» сўзлари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро парвозлар учун Навоий аэропортини очиш тўғрисида» 2008 йил 21 августдаги 188-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2008 йил, 34-сон, 334-модда) **3 ва 4-бандлардаги** «Давлат ветеринария қўмитаси» сўзлари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 октябрдаги 289-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 9-10-сон, 71-модда) билан тасдиқланган «Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун Ўзбекистон

Республикаси фуқаро авиацияси аэропортлари (аэродромлари)ни очиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 7 ва 8-бандларининг иккинчи хатбошиларидағи «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда енгил хизмат автомашиналаридан фойдаланишни янада тартиба солиши чоратадбирлари тўғрисида» 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарорида:

1-илова қуйидаги таҳрирдаги 40<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:

| №                 | Подразделения   | Предельное количество: |              |          |                                   |
|-------------------|---|------------------------|--------------|----------|-----------------------------------|
|                   |   | всего                  | в том числе  |          |                                   |
|                   |   |                        | персональные | дежурные | специальные транспортные средства |
| 40 <sup>2</sup> . | Государственный комитет ветеринарии и развития животноводства | 653                    | 276          | 12       | 365                               |
| 1.                | Центральный аппарат   | 10                     | 6            | 1        | 3                                 |
| 2.                | Областные звенья  | 231                    | 43           | 0        | 188                               |
| 3.                | Районные звенья   | 333                    | 202          | 0        | 131                               |
| 4.                | Подведомственные организации                                  | 79                     | 25           | 11       | 43                                |
|                   |   |                        |              |          | ».                                |

б) 2-илова қуйидаги таҳрирдаги 69-банд билан тўлдирилсин:

| №    | Подразделения                         | Предельное количество: |              |          |                                   |
|------|---------------------------------------|------------------------|--------------|----------|-----------------------------------|
|      |                                       | всего                  | в том числе  |          |                                   |
|      |                                       |                        | персональные | дежурные | специальные транспортные средства |
| 69 . | Государственный комитет ветеринарии и | 24                     | 16           | 1        | 7                                 |

|           | <b>развития<br/>животноводства</b> |    |    |   |      |
|-----------|------------------------------------|----|----|---|------|
| <b>1.</b> | Центральный аппарат                | 5  | 5  | 0 | 0    |
| <b>2.</b> | Областные звенья                   | 0  | 0  | 0 | 0    |
| <b>3.</b> | Районные звенья                    | 0  | 0  | 0 | 0    |
| <b>4.</b> | Подведомственные организации       | 19 | 11 | 1 | 7 ». |

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2011 йил 8 июлдаги 202-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2011 й., 7-сон, 64-модда):

а) 3-банднинг **учинчи хатбошилари**, 5-банднинг **учинчи хатбошиси**, 6-банднинг **иккинчи хатбошилари**, 4-илованинг **2** ва **4-бандлари**, **6-банд биринчи хатбошиси**, **19, 20, 21** ва **22-бандларидаги** «ветеринария бўлим» сўzlари тегишли келишикдаги «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг **иккинчи хатбошиси** ва **7-банднинг биринчи хатбошисидаги** «Давлат ветеринария қўмитасининг» сўzlари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 4-илованинг **3, 6**, ва **19-банлардаги** «рўйхатга олиш гувоҳномаси» сўzlари «ветеринария паспорти» сўzlари билан алмаштирилсин.

г) 4-илованинг **3-банд иккинчи хатбошисидаги** «белги қўйилади.» сўzlари «маълумотлар киритилади.» сўzlари билан алмаштирилсин.

д) 4-илованинг **5-банди** «вакцинация қилиниши» сўzlаридан кейин «ҳамда ветеринария паспорти расмийлаштирилиши» сўzlари билан тўлдирилсин.

е) 4-илованинг **12-банди** **учинчи хатбошисидаги** «итнинг лақаби, ит эгасининг манзили, телефон» сўzlари «идентификацион» сўzlари билан алмаштирилсин.

ж) 4-илованинг **20-банди** **тўртинчи хатбошисидан** «давлат» сўзи чиқариб ташлансин.

з) 4-илованинг **14-банди** **учинчи хатбошидаги** «рўйхатга олиш гувоҳномаси, ветеринария гувоҳномаси» сўzlари «ветеринария паспорти» сўzlари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги 242-сон қарорида:

а) 3-иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат ветеринария қўмитаси деб аталади)» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси деб аталади)» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 4-иловадаги «ветеринария бўлимлари» сўzlари «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари» сўzlари билан алмаштирилсин;

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 305-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 45-46-сон, 478-модда) билан тасдиқланган «Бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисида»ги вақтингчалик низомнинг 4 ва 6-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2013 йил 10 январдаги 4-сон қароридаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 1-сон, 2-модда) «давлат ветеринария бўлим» сўzlари тегишли келишикдаги «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлим» сўzlари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти доирасидаги рухсат тусидаги ҳужжатлар рўйхатининг рус тилидаги матнида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда):

а) 22, 23 ва 137-бандларидаги «Государственный комитет ветеринарии Республики Узбекистан» сўzlари «Государственный комитет ветеринария и развития животноводства Республики Узбекистан» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 20-бандидаги «Комитет ветеринарии Республики Каракалпакстан, управления ветеринарии областей и города Ташкента» сўzlари «Комитет ветеринарии и развития животноводства Республики Каракалпакстан, управления ветеринарии и развития животноводства областей и города Ташкента» сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 107-бандидаги «Отделы ветеринарии районов (городов)» сўзлари «Отделы ветеринарии и развития животноводства районов (городов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 8-сон, 80-модда) билан тасдиқланган Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМНИНГ**:

а) **15-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат ветеринария қўмитаси деб аталади)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси(кейинги ўринларда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 18-банди **саккизинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) **27-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Ветеринария соҳасида давлат ветеринария хизмати номидан давлат экологик назорати Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади».

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 37-сон, 469-модда) билан тасдиқланган Наслли маҳсулотни (материални) экспорт ва импорт қилиш тартиби тўғрисида низомнинг 7-банди **биринчи** ва **иккинчи** **хатбошилари**даги «Давлат ветеринария қўмитаси» сўзлари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 89-модда) **1-иловаси** 36<sup>4</sup>-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси.» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ветеринария хизмати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 25 октябрдаги 361-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2016 й., 43-сон, 503-модда) 5-иловасининг **матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

| « Т/р   Касалликлар рўйхати  |     |                                   |
|--|-----|-----------------------------------|
| <b>1. Бир неча ҳайвонот тури учун умумий бўлган касалликлар</b>                |     |                                   |
| 1.   | 1.  | Оқсил                             |
| 2.   | 2.  | Бруцеллёз                         |
| 3.   | 3.  | Ауески                            |
| 4.   | 4.  | Лептоспироз                       |
| 5.   | 5.  | Куйдирги                          |
| 6.   | 6.  | Қутуриш                           |
| 7.   | 7.  | Листериоз                         |
| 8.   | 8.  | Сил                               |
| 9.   | 9.  | Ку-безгаги                        |
| 10.  | 10. | Ўлат                              |
| <b>2. Қорамолларнинг касалликлари</b>  |     |                                   |
| 11.  | 1.  | Юқумли тугунли (нодуляр) дерматит |
| 12.  | 2.  | Эмфизематоз карбункул (қорасон)   |
| <b>3. Қўй ва эчкиларнинг касалликлари</b>                                      |     |                                   |
| 13.  | 1.  | Чечак                             |
| 14.  | 2.  | Брадзот энтеротоксемия            |
| 15.  | 3.  | Скрепи                            |
| <b>4. Чўчқаларнинг касалликлари</b>  |     |                                   |
| 16.  | 1.  | Африка ўлати                      |
| <b>5. От ва туяларнинг касалликлари</b>  |     |                                   |
| 17.  | 1.  | Манқа                             |
| 18.  | 2.  | Юқумли анемия (ИНАН)              |
| 19.  | 3.  | Грипп (инфлюэнца)                 |
| 20.  | 4.  | Отларнинг Африка ўлати            |
| <b>6. Паррандаларнинг касалликлари</b>   |     |                                   |
| 21.  | 1.  | Ньюкасл касаллиги                 |
| 22.  | 2.  | Чечак                             |
| 23.  | 3.  | Юқумли ларинготрахеит             |
| 24.  | 4.  | Орнитоз (пситакоз)                |
| 25.  | 5.  | Юқори патогенли грипп             |
| 26.  | 6.  | Марека                            |
| <b>7. Мўйнали ҳайвонлар, қуёнлар ва майдада уй ҳайвонларининг касалликлари</b> |     |                                   |
| 27.  | 1.  | Қуёнларнинг геморрагик касаллиги  |
| 28.  | 2.  | Цестодозлар                       |

| « <b>Т/р</b>   <b>Касалликлар рўйхати</b>  |    |                     |
|--|----|---------------------|
| 29.  | 3. | Қуёнлар миксоматози |
| <b>8. Ўзбекистон Республикаси худудида илгари рўйхатга олинмаган барча турдаги ҳайвонларнинг ҳавфли касалликлари</b> |    |                     |

Изоҳ: мазкур тадбирларни амалга оширишда қўлланиладиган ёрдамчи воситалар яъни шприц, пахта, игна, спирт ва бошқалар бюджет маблағларидан таъмиланади».

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартағи 119-сон қарори билан тасдиқланган 2017 — 2019 йилларда дехқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида 100 бошдан парранда боқиши, лимон, унаби ва грек ёнғоги етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари **дастури** 2.8-бандидаги «Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 517-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 29-сон, 700-модда) билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда йилқичилик ва от спортини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари **дастурининг** 7-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва саклаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 22 сентябрдаги 748-сон **карорида** (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 38-сон, 1057-модда):

а) 2-банднинг **биринчи хатбошиси**, илованинг 2-банд **учинчи хатбошиси**, 4, 10, 21-бандларда ва **7-иловадаги** «ветеринария бўлим» сўzlари тегишли келишикдаги «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 4, 6-бандларда, илованинг **16-банди** ва 47-банд **ўн биринчи хатбошиларидағи** «Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 2-банд **учинчи хатбошидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг Ветеринария хизматини ривожлантириш жамғармаси» сўzlари «Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ветеринария хизмати ходимлари меҳнатига қўшимча ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 4 декабрдаги 963-сон **карорида**:

а) 1-банди **учинчи хатбошиси**, 2-илованинг номи, 1, 3, 12 ва 13-бандларидаги «Давлат ветеринария қўмитаси» сўзлари «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 1-илованинг 5-банди **бешинчи хатбошисидаги** «туман (шаҳар) ветеринария бўлимлари» сўзлари «туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

в) 2-илованинг **4-банди** қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«Ходимларнинг иш фаолияти самарадорлигини ва моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, улар томонидан мамлакатимизда чорва моллари ва паррандалар бош сонини барқарор оширишни таъминлаш, ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария сервис сифатини ошириш, ҳайвонларнинг соғлигини ҳимоя қилиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, наслчилик-селекция ишларини юритишининг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий уруғлантириш ишларини тизимли ташкил этишни таъминлаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар томонидан моддий рағбатлантириш тадбирлари амалга оширилади.»;

г) 2-илованинг **5-банди** қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«Ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида уларнинг ойлик маошига қўшимча тарзда:

ходимнинг мутахассислиги бўйича кўп йиллик хизматлари учун қатъий белгиланган лавозим маошига устама;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси томонидан белгиланадиган шахсий устамалар;

ойлик, чораклик, йил якуни бўйича ҳамда байрам қунлари учун мукофотлар;

ишдаги ютуқлари учун моддий рағбатлантиришлар;

ишдан ташқари вақтда ишга жалб этилгани учун тўловлар ҳамда бошқа пуллик компенсациялар;

ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва улар соғлигини тиклаш учун моддий ёрдам;

ходимларнинг ҳаётини суғурта қилиш ёки бошқа турдаги тўловлар белгиланади.»;

д) 2-илованинг **6-банди** қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«Ходимнинг мутахассислиги бўйича кўп йиллик хизматлари учун қатъий белгиланган лавозим маошига қўйидаги устамалар бюджет маблағларидан ҳар ойда тариф сеткаси ва штат жадвалига мувофиқ тўланади:

3 йилдан 5 йилгача — 5 фоиз;  
5 йилдан 10 йилгача — 10 фоиз;  
10 йилдан 15 йилгача — 15 фоиз;  
15 йилдан 20 йилгача — 20 фоиз;  
20 йилдан 25 йилгача — 25 фоиз;  
25 йилдан ортиқ — 30 фоиз.»;

е) **2-илова** қўйидаги таҳрирда 7-банд билан тўлдирилсин:

«Хизмат вазифасини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган Кўмитанинг малакали, ташаббускор ходимларига раис томонидан ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан лавозим маошининг 200 фоизи миқдоридан кўп бўлмаган шахсий устамалар белгиланади.»;

ж) 2-илованинг **7-8-бандлари** тегишли равища 8-9-бандлар деб ҳисоблансин;

з) **2-илованинг 9-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Янги йил, 8 март хотин-қизлар куни, Наврўз байрами, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик куни, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Конституция куни, Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрам куни ва Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) диний байрам куни учун ходимлар ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорда мукофотланади.»;

к) **2-илова** қўйидаги таҳрирда 10-банд билан тўлдирилсин:

«Ишдаги ютуқлари учун ходимларни ойлик иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда моддий рағбатлантиради.»;

л) 2-илованинг **10-банди** тегишли равища 11-банд деб ҳисоблансин;

м) **2-илова** қўйидаги таҳрирда 12-банд билан тўлдирилсин:

«Шахсий устамалар, мукофотлар ва моддий рағбатлантиришлар миқдорини белгилашда меҳнатга ҳақ тўлашга оид Ягона тариф сеткаси бўйича тариф коэффициентлари билан устамалар ва қўшимча ҳақлар, шунингдек бюджетдан молиялаштириладиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари давлат хизматчилари лавозим маошлирга 40 (20) фоизлик қўшимча (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти) лавозим маоши ҳисоб-китобига киритилади.»;

н) **2-илова** қўйидаги таҳрирда 13-банд билан тўлдирилсин:

«Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларида ишга жалб этилганлиги учун тўловлар ҳамда бошқа пуллик компенсациялар тўланади»;

о) 2-илованинг **13-банди** тегишли равища 14-банд деб ҳисоблансин;

п) 2-илованинг **14-банди** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ходимларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда (жамоа шартномасига мувофиқ) йўл транспорти учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари ҳамда ходимларнинг тушлик овқатланиши харажатларига кўмаклашиш мақсадида энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида тўловлар амалга оширилади.»;

р) 2-илованинг **15-банди** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Куидагилар ходимларни рағбатлантиришни молиялаштириш манбалари ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.»

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 й., 12-сон, 299-модда) билан тасдиқланган Норматив-хуқуқий ҳужжатлар матнлари ҳамда зарур бўлган тақдирда уларга тегишли ахборот-тахлилий материаллар электрон шаклда юбориладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар **рўйхатининг** 3-боби 1-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июлдаги 504-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2018 й., 7-сон, 165-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги низомнинг **7-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 октябрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган Ваколатли вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан киритиладиган ва «Интеграциялашган тариф» интерактив хизмати доирасида тақдим этиладиган ахборот **рўйхатининг** 11 ва 12-бандларидағи ваколатли органнинг номи устунида»Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарори билан тасдиқланган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва **вазифалар** масъул ижрочилар устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 январдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда ўзбек цирк санъатини янада ривожлантириш ҳамда «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасаси фаолиятини қўллаб-куватлаш бўйича чора-тадбирлар [режасининг](#) 7 ва 13-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 февралдаги 82-сон қарорининг [10](#) ва [14-иловаларидаги](#) «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июнданги 532-сон қарорига  
6-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб  
эътироф этилаётган айrim қарорлари**

**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ветеринария хизмати ёш кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш, мутахассисларининг малакасини ошириш, шунингдек уларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 8 августдаги 253-сон қарори ([Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 8-сон, 61-модда](#)).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 августдаги 624-сон қарори ([Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 8-сон, 173-модда](#)).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги 995-сон қарорига 1-илованинг [69](#) ва [109-бандлари](#).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Фарғона вилоятида чорвачилик ва наслчилик ишларини тубдан такомиллаштириш, тармоқ фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 26 декабрдаги 1048-сон қарори.

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.06.2019 й.,  
09/19/532/3344-сон)*